Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши, № 53 (13.613).
3 МАРТ 1967 йил ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА

Ўзбекистондаги энг катта энергетика иншоотн — Чорвоқ ГЭСи Ленинград машинасозларининг янги мижози бўлиб қолди. Бугун шу станциянинг иккита турбинаси учун керакли металл конструкцияларнинг охирги тонналари «КПСС XXII съезди» номли металлургия заводидан Тошкентга юборилди.

Юбилей йилида завод ГЭС қурувчиларига шундай деталларнинг яна иккита комплектини юборади.

Ҳозир 16 та электр станциядан иборат бўлган Чирчиқ дарёсидаги ГЭСлар тизмасига кирувчи сўнгги станциянинг жами қуввати 600 минг киловатт бўлади. Ўндаги тўртта турбинанинг ҳар бири 150 минг киловатт қуватга эга бўлиб, улар гоят чидамли бўлади: ленинградликлар уларнинг ремонтсиз ишлаш муддатини икки баравар узайтириш мажбуриятини олдилар.

●

Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг коллективига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон Касаба Союзлари Советининг кўчма Қизил Байроғи топширилди. Фабрика ўтган йилнинг тўртинчи кварталида эришган меҳнат самаралари учун тақдирланди.

Пойафзалчилар бу юксак мукофотга жавобан, юбилей йилда пландан ташқари тежалган материаллардан 20 минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

●

«Ўзсельхозтехника» Хўжайли район бирлашмасининг ремонт устахонасини реконструкция қилиш ишлари батамом тугади. Устахонанинг қуввати деярли икки баравар оширилди. Эндиликда бу ерда машиналарни ремонт қилиш ишлари поток-узель усулида олиб борилади. Корхонада барча оғир ишлар механизациялаштирилган. Шу кунларда Тўртқўл, Беруний, Чимбой районларидаги ремонт базалари ҳам қайтадан реконструкция қилинмоқда.



Андижон область кончилари Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига вахтада туриб, беш йиллиннинг иккинчи йилида планга қўшимча 3 минг тонна нефть ва 2 миллион кубометр газ қазиб олиш учун мусобақани кучайтириб юборишдар. Суратда: «Жанубий Оламушук» нефть конининг компрессор станцияси.

Е. КОРНИЕНКО фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

ЎРТОҚ ЯНОШ КАДАРНИНГ СССРда БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Янош Кадар шу йил 25 февралдан 1 мартгача дўстона визит билан Москвада бўлди. Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ Бела Биску ва Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари ўртоқ Карой Эрдеи ўртоқ Янош Кадарга ҳамроҳ бўлиб келдилар.

Я. Кадар, Б. Биску ва К. Эрдеи ўртоқлар Москвада бўлган вақтда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев билан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин билан, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети аъзоси СССР ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громико билан суҳбатлашдилар.

Суҳбатларда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги элчиси ўртоқ Ф. Е. Титов, Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг аъзоси Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси ўртоқ Йожеф Сипка ҳам иштирок этдилар.

Самимий ва қардошларча дўстлик вазиятида ўтган суҳбат давомида ҳар иккала мамлакатда коммунизм ва социализм қурилиши масалалари юзасидан, шунингдек Бухарест декларациясида ҳамда Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатлар ташқи ишлар министрлари кенгашида ифодаланган йўлга мувофиқ равишда Европа хавфсизлигини таъминлаш проблемалари юзасидан батафсил фикрлашиб олинди.

КПСС ва Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг раҳбарлари Совет ва Венгрия халқлари ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва ҳар томонлама қардошларча ҳамкорлик муваффақиятли равишда ривожланаётганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар, барча халқаро проблемалар ва жаҳон коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатининг аҳволига доир масалалар юзасидан қарашларнинг тўла бирлиги мавжуд эканлигини якдиллик билан қайд қилдилар.

Улар совет ва венгер халқларининг манфаатлари йўлида ҳар иккала партия ва мамлакат ўртасида ҳар томонлама қардошларча алоқани ва ҳамкорликни бундан кейин ҳам кенгайтиришга аҳд қилганликларини билдирдилар. Ҳар иккала томон Вьетнам халқининг Америка империалистлари агрессиясига қарши олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Томонлар ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган барча халқлар билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар.

Ҳар иккала томон тинчлик, демократия, миллий озодлик ва социализм манфаатлари йўлида социалистик мамлакатлар бирлигини мустаҳкамлашни, коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг интернационал бирдамлигини кучайтиришни ўз вазифаларн, деб ҳисоблайдилар.

Ўртоқ Я. Кадар 1 мартда ватанига жўнаб кетди.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ҲАМИША ПАРТИЯ БИЛАН

ПОДОЛЬСК (Москва области), 1 март. (ТАСС). Подольск шаҳар сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлиғига номзод қилиб рўйхатга олинган КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов сайловчилар билан учрашиш учун бу ерга келди.

Маданият уйида сайлов олди учрашуви бўлиб ўтди. Машинасозлар ва кабелчилар, махсус қозон тайёрловчилар ва цементчилар, шаҳар зиёлиларининг ваниллари, Россия Федерацияси Олий Совети депутатлигига ўзлари кўрсатган номзодни илиқ кутиб олдилар.

Биринчи бўлиб ишончли вакил Калинин номли завод план диспетчерлик бюросининг бошлиғи И. М. Максимовга сўз берилди. У мажлис аҳлини депутатликка номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди ва сайлов округида партиянинг содиқ фарзанди И. В. Капитонов учун яқдиллик билан овоз беришга сайловчиларни даъват қилди. Подольски кабель заводининг опрессовщиги Н. Т. Еремин, ўқитувчи Э. С. Авдонюшкина, ВЛКСМ шаҳар комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Жанна Каменская, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. С. Папутин бу таклифни қувватлаб чиқдилар.

Шундан кейин мажлис аҳли томонидан саминий кутиб олинган РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов нутқ сўзлади. У, билдирилган юксак шараф ва ишонч учун сайлов округи меҳнаткашларига катта миннатдорчилик изҳор қилди.

★ 12 МАРТ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар КУНИ

МОНОЛИТ БИРЛИК

КАЛИНИНГРАД, (Москва области), 1 март. (ТАСС мухбири). Калининград сайлов округи территориясидаги корхоналар, муассасалар ва ўқув юртлари ваниллардан тўққиз юздан ортиқ киши бугун Калинин номидаги шаҳар Маданият саройига келдилар. Бу ерда шу сайлов округидан РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ВЦСПС Раиси Виктор Васильевич Гришин билан учрашув бўлиб ўтди. Мажлис аҳли В. В. Гришинни саминий табриклади. Улар В. В. Гришинни иккинчи марта Россия Федерациясининг Олий ҳокимият органига вакил қилиб сайламоқдалар.

Ишончли вакил механика заводи бўлимининг бошлиғи А. М. Петров минбарга чиқади. Ҳозирги сайлов, деди у, бутун мамлакат Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб равишда кутиб олишга тайёрланаётган кунларга ўтмоқда. Нотиқ Москва ёнидаги шу ёш шаҳарнинг кейинги тўрт йил мобайнида экономикани ва маданиятни ривожлантиришда эришган муваффақиятлари ҳақида гапирди.

А. М. Петров В. В. Гришиннинг ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилиб, округдаги барча сайловчиларни сайлов куни В. В. Гришин учун яқдиллик билан овоз беришга чақиради.

Йиғилишда қурилиш бошқармасининг бошлиғи М. П. Аржаков «1 Май» тўқувчилик фабрикаси касаба союз комитетининг раиси М. С. Шчербакова, қурилиш бошқармасининг токари Г. А. Еганов, инженер-конструктор В. Н. Богомолов, шаҳар касалхонасининг врачи Л. В. Алисова, енгил саноат механика-технология техникумининг ўқувчиси Аня Маркова, КПСС Калининград шаҳар комитетининг биринчи секретари И. М. Черепанов ҳам сўзга чиқдилар. Улар округ меҳнаткашлари Совет давлатининг ярим асрлик юбилейини янги муваффақиятлар билан нишонлашга, коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга тайёр эканликлари ҳақида гапирдилар. Сўнгра В. В. Гришин нутқ сўзлади.

Номзодлар билан учрашувлар

Булунғурнинг асл фарзанди

Муаллиманинг чин бахти

САЙЛОВЧИЛАР ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШМОҚДАЛАР

144-Комсомол округида бўлиб ўтган сайлов олди йиғилишида ишончли вакил ва сайловчилар республика Олий Совети депутатлигига номзод, Ленин райочидаги «Полвонтош» нефть конининг старший созловчи монтери **Уринбой Эрназаров** шаънига анчагина самимий гаплар айтдилар. Улар Эрназаровнинг бепуқсон ишлаётганлиги, ёш ишчиларни тарбиялаётганлиги тўғрисида гапириб, республика Олий Совети депутати қилиб сайланса, юксак ишончимизни оқлайди дедилар.

Номзодга наказлар айтилди, сўнгра У. Эрназаров сўзга чиқиб, халқнинг ишончини оқлашга сўз берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Жарқўрғондаги «Меҳнат-Роҳат» колхозининг раиси **Норали Боймородов** 307-Жарқўрғон округи сайловчилари билан учрашди. У Сурхондарёдаги илғор пахтачилик хўжалигига 30 йилдан бери раҳбарлик қилиб келмоқда, Ўзбекистоннинг жанубида ингичка толали пахта экишни биринчилардан бўлиб жорий қилган.

320-Термиз қишлоқ сайлов округида республика Олий Совети депутатлигига номзод — Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» қишлоқ хўжалик артелининг раиси **Абдураззоқ Мирзаев** сайловчилар билан учрашди.

364-Олтиариқ округида сайловчиларнинг республика Олий Совети депутатлигига номзод Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раиси **Мунаввар Турсунов** билан учрашувлари бўлди.

Тошкентдаги Собир Раҳимов номли 30-сайлов округида республика Олий Совети депутатлигига номзод Октябрь район партия комитетининг биринчи секретари **Толип Содиқов** сайловчилар билан учрашди. 39-Дўмбировот округининг сайловчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси **Ҳусниддин Асомов** билан учрашдилар. 21-Чапаев округидан республика Олий Совети депутатлигига номзод «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг ишчиси **Пўлат Ҳакимовна Абдураҳмонова**. 44-Заводской округидан номзод—Тошкент тўқимачилик комбинатининг директори **Зикрилла Абдуллаевич Абдуллаев** сайловчилар билан учрашди.

Тошкент областида 103-Калинин округи сайловчиларининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Абдулла Ортиқов** билан учрашувлари бўлди.

ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

Москвада Н. С. Тихонов раислигида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин ва СССР давлат мукофотлари комитетининг сессияси иш бошлади.

Сессияда Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг атоқли маданият арбоблари қатнашмоқдалар.

Комитет Ленин мукофотларини олишга тақдим этилган номзодларни муҳокама қилиб бўлганидан сўнг, бундан бўён конкурсдан ўтадиган қатнашчиларни белгилаб беради. (ТАСС).

СОВЕТ БАЛИҚ ОВЛОВЧИ КЕМАСИНИНГ ҲАЛОКАТИГА ДОИР

МОСКВА, 1 март. (ТАСС). СССР Балиқ хўжалиги министрлигида ТАСС мухбирига махсус комиссия совет балиқ овловчи кемаси—«Туман» ғарқ бўлган жойида ҳалокат сабабларини текшираётганлигини айтишди.

Траулер флоти Калининград базасига қарашли балиқ овлайдиган 2,5 минг тонна чамаси ҳажмли, музхонали «Туман» кемаси Атлантиканинг шарқи-шимолий қисмида балиқ овлаш учун сузиб борарди. Кема Шимолий денгизда Дания бўғозидан чиқаётганида қаттиқ пўртанага дуч келди.

«Туман» кемаси 25 февралда сутканинг бошида ғарқ бўлди. Экипажнинг бир қисми қутқариб олинди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Туман» кемасининг фожиона ҳалокати муносабати билан траулер флоти Калининград базасининг денгизчиларига, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларига чуқур таъзия билдирдилар. Бу ҳалокат натижасида ажойиб коллектив ўзининг энг яхши ўртоқларидан жудо бўлди.

СССР ҳукумати ҳалок бўлган денгизчиларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида фармойиш берди.

СССР Балиқ хўжалиги министрлиги совет денгизчиларини қутқаришда қатнашган Дания, Швеция, Голландия ва Норвегия кемаларининг экипажларига миннатдорчилик изҳор қилди. Министрлик қутқарув операцияларида актив қатнашганлиги учун Дания маъмурларига ташаккур билдирди.

Я Х Ш И ҚЎШНИ БЎЛАМИЗ!

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги СССР билан Афғонистон ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш тўғрисида шартнома имзоланган кунининг 46 йиллигини 28 февралда тантанали кеча ўтказиб нишонлади.

Кеча қатнашчилари Кобулга «Афғонистон — СССР» жамиятига табрикнома йўллаб, қўшни халққа бахт-саодат ва равнақ тиладилар. (ЎзТАГ).

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ЭЛ ОҒАСИ

Бундан бир неча йил муқаддам Булунғур районидаги Карл Маркс номли ва «Коммунизм» колхозларида хўжаликнинг етакчи тармоғи пахтачилик оқсаб қолди. 1962 йилда бу икки колхозда ҳар гектар ердан 13,3 центнердан ҳосил олинди. Айни пайтда қўшни колхозларда эса ҳар гектар ердан 25-30 центнердан пахта олинди.

1963 йилнинг бошида мазкур икки колхоз бирлаштирилди. Янги хўжаликка «Октябрь» номи берилди. «Ленин номли илғор колхоз раиси Нормамат Эсонтурдиев правление раиси қилиб сайланди. Янги раҳбар ишни, одамларни, хўжаликнинг шароитини пухта ўрганишдан бошлади. Активлар, қишлоқ хўжалиги мутахассисларига таяниб иш қилди. Техника парки қурилди. Ҳар бир трактор ва қишлоқ хўжалик машинасининг техник қарови йўлга қўйилди. Бунинг учун механизаторларнинг масъулияти оширилди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти қолоқликка барҳам бериш тадбирларини кўрар экан, биринчи навбатда, кадрлар масаласига алоҳида эътибор берди. Хўжаликнинг муҳим участкалари ишбилармон ташкилотчи кишилар билан мустаҳкамланди. Пахтачилик бригадаларига уддабурон кишилар юборилди.

«Октябрь» колхози кейинги 4 йил ичида қолоқликдан чиқиб, энг илғор хўжаликлар даражасига кўтарилди. Уч йил ичида колхознинг ялпи даромади қариб 3 баравар ошди. Колхозчиларнинг иш ҳақи ҳам кескин кўпайди.

Колхознинг беш йилликнинг биринчи йилидаги якунлари ҳам жуда қувончли бўлди. 1.874 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан ошириб ҳосил олинди. Хўжаликнинг ялпи даромади қариб 3,5 миллион сўмга етди. Колхозчиларнинг иш ҳақи ҳам ошди. Хўжалик бўйича бир иш кунига ўртача қариб 5 сўмдан ҳақ тўланди.

Колхоз посёлкаси йилдан-йилга обод бўлаётир. Участкаларга асфальт йўллар қурилди. Бу ерда кишиларнинг уйларигина эмас, ҳатто кўчалар ҳам Ильич чироғидан чароғон. Буларнинг ҳаммаси меҳнатдандир. Колхоз ишлаб чиқаришмолия плани бўйича ҳар йили ялпи даромаднинг қариб 16 процента бўлинмас фондга ажратилади. Бу маблағ ҳисобига янги кўчалар, ҳушбичим уйлар, маданият муассасалари қурилмоқда. Бунинг ҳаммасида колхоз раиси Нормамат Эсонтурдиевнинг ҳам ҳиссаси бор.

Нормамат ака хўжалик раҳбарининг эмас, чинакам эл оғаси. У хўжалик ишлари билангина эмас, ҳар бир колхозчи хонадонининг оилавий ташвиши билан қизиқади. Кишиларнинг иссиғига ҳам, совуғига ҳам шерик.

Нормамат ака депутат — халқ хизматкори. У олдинги чақириқда Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланган эди. Н. Эсонтурдиев халқ ишончини оқлашга, кишиларнинг қалбига йўл топиш, уларга кўмаклашиш учун бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Шунинг учун у эл ўртасида эътибор қозониб, катта ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Сайловчилар 256-Булунғур сайлов округидан Нормамат Эсонтурдиевнинг номзодини яна республика Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Бу халқнинг унга билдирган иккинчи катта ишончидир. Нормамат ака бу гал ҳам эл ишончини оқлайди.

Ш. СИДДИҚОВ.

ЁРҚИН ТАҚДИР

«Тақдирин қўл билан яратур одам...»

Муаззам Назаровани кўргандамда шоирнинг шу мисралари ёдимга тушади. Ҳа, инсон ўз бахтини ўзи яратади. Бунинг учун кўп меҳнат, изланиш керак.

Тошкентдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли 24-ўрта мактабнинг ўқитувчиси Муаззам Назарова самарали меҳнати билан элга танилган, бахтиёр аёлларимиздандир.

Муаззам опа чорак аср давомида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Унинг ҳар бир дарси мазмунли, кўргазмали, методик жиҳатдан юксак савияда ўтади. У актив жамоатчи.

Яқинда Муаззам опа уйга хурсанд қайтди. Онаси Саломат хола уни қучоқлаб табриклади:

— Онанг ўргилсин, ҳозир радиодан эшитдим. Сен депутатликка номзод бўлибсан...

Ўқитувчи фақат «Раҳмат, онажон» дея олди. Чунки онасининг кўзидан оққан севинч ёшлари уни ҳам тўлқинлантириб юборди. Кўзи намланди. Шу дамда она-бола ўз ҳаётларининг оғир дамларини ўйлашди шекилли, бирдам жим бўлиб қолишди.

...1940 йил. 8 бола билан беваликка қолган Саломат хола Калинин районидаги «Ленинизм» колхозида ишларди. Муаззам эса энди ўрта мактабни тугатганда, Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Муаззам Тошкент педагогика институтига кириб ўқиб, ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Аммо илож йўқ. Муштипар онаси, укаларини ким боқади? У онасининг ёнида колхозда ишлай бошлади.

Оғир кунлар ортда қолди. Муаззам ўқишни давом эттириб, Қизомий номидаги Тошкент педагогика институтининг тарих факультетини сиртдан муваффақият билан тугатди. Укалари ҳам маълумот олишди, турли касбни эгаси бўлишди. Сингласи Муҳайё институтни тугатиб 24-мактабда ўқитувчи бўлиб ишламоқда. Муҳаррам эса богча мудираси, Муқаддас билан Муяссар Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхозда бухгалтер ва табелчи бўлиб ишлашмоқда. Солих билан Йўлдош эса уста шофёр. Саломат хола фарзандларининг роҳатини кўрмоқда.

Муаззам депутатликка номзод бўлгандан буён Саломат холанинг севинчи жуда ҳам тошиб кетди. Муаззам Назарова 3 боланинг онаси бўлганда, 1960 йилда, умр йўлдоши, республикамизнинг атоқли педагогларидан бири Ҳақназар Назаров вафот этди.

Муаззам опа бу оғир мусибатга бардош берди. Болаларини ўқитмади. Уларни тарбиялаб ўқитмоқда. Катта қизи Мунтазам ҳозир орденли мактабнинг X синфида, ўртанчаси Ғофиржон VIII синфда, кенжатой Ботир эса IV синфда аъло баҳо билан ўқишмоқда.

Муаззам опанинг иш фаолияти ҳақида кўп нарсалар айтиш мумкин. Унинг сўнгги йилларда эришган ютуқларининг ўзи ҳам касбига меҳр ва муҳаббат билан қараганлигини кўрсатиб турибди. У 15 йилдан буён мазкур мактабда 100 процент ўзлаштиришга эришмоқда. Тажрибали педагог мактабда ўзи сингари жонкуяр ўқитувчиларни етиштирмоқда.

Катта ҳурмат эгаси Муаззам Назарова Тошкент шаҳар Жданов номли 25-сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутатликка номзод бўлган. Биз ўз касбининг моҳир устаси, ишчан педагог Муаззам Назарова учун 12 мартда қувона-қувона овоз берамиз.

Ҳ. ИЎЛДОШЕВ, халқ маорифи аълочиси.

МАРРА—ТЎРТ МИЛЛИОН ТОННА

А. ҲАЙДАРОВ нутқи

Андижон область партия комитетининг биринчи секретари

Барча совет кишилари каби Андижон область меҳнаткашлари ҳам беш йилликни яхши бошлаб юборди-лар. Об-ҳаво ёмон келганлигига ва табиий офатларга қарамай, колхозчилар ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари яхши ҳосил етиштириб, давлатга 830 минг тонна пахта сотдилар. Ҳар бир гектардан ўрта ҳисобда 28 центнердан ҳосил олинди. Етиштирилаётган пахтанинг ялпи миқдори жиҳатидан Андижон области беш йиллигининг охирги йилига мўлжаллаб қўйилган маррага эришди. Қардош Қирғизистоннинг Ўш области пахтакорлари ва Фарғона пахтакорлари билан давом этиб келаётган традицион мусобақамиз социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришда бизга катта ёрдам берди.

Андижонликлар Совет давлатининг 50 йиллигини коммунистик қурилишда янги муваффақиятлар билан қутиб олмоқдалар. Бу йил колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари Ватанга камида 810 минг тонна пахта, 4 минг тонна пилла, кўпгина гўшт, сут, шоли, сабзавот, картошка ва қовун-тарвуз бериш мажбуриятини олдилар.

Ҳозир қишлоқ хўжалик меҳнатчилари кўкламги экишга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик кўришга интилмоқдалар. Оммавий касбдаги кадрларни қайта тайёрлаш ишларини тамомладик. Суғориш шохобчаларини тозалаш, техникани ремонтдан чиқариш, ерларнинг шўрини ювиш ишлари асосан тугалланди, баҳорги экишлар экилмоқда ва беда сепилмоқда. Ҳамма жойда ерларга яҳоб суви берилмоқда.

Владимир Ильич ҳал этилмаган масалаларга эътиборни қаратиш, революциянинг улуғ байрамини ишлаб чиқаришнинг энг яхши усули деб таълим берган эди. Ўтган йил областимизда ўн етти колхоз ва 424 бригада пахта тайёрлаш планини бажармади, ўн тўққиз хўжаликда пахтанинг ҳосилдорлиги 20 центнерга етмади, 115 колхоз ва совхозда эса, ҳосилдорлик 25 центнердан кам бўлди. Шу хўжаликларда ҳосилдорликни 25 центнерга етказиш, умуман областда яна қўшимча 27 минг тонна пахта олиш имкониятини беради. Техника ва маҳаллий ўғитлардан, заҳарли химикатлардан фойдаланишда, фан ва илғор тажриба муваффақиятларини жорий қилишда ҳам бир қанча камчиликлар бор. Хўжаликнинг ҳамма тармоқларида меҳнат унумдорлигини ва рентабелликни ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун бир талай ишлар қилишимиз керак. Область партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, барча қишлоқ меҳнаткашлари мана шу ва бошқа вазифаларни ҳал қилишга куч ва ғайрат сарфламоқдалар.

Қурултой қатнашчиларини ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, Андижон области колхозлари ва совхозларининг меҳнатчилари юбилей йилида социалистик мажбуриятларни шараф билан бажарадилар. **(Қарсаклар).**

Э. Т. ШАЙХОВ нутқи

Тошкент область ижроия комитетининг раиси

Қурултой қатнашчиларига хурсанд бўлиб шуни маълум қилмизки, Тошкент области меҳнаткашлари КПСС XXIII съездининг ва партия Марказий Комитети 1965 йил март Пленумининг қарорларини эмалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини, саноатни, капитал қурилишни ривожлантиришда ва меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтаришда муайян иш қилдилар.

Область колхозлари ва совхозлари, пахта, дон, шоли, сабзавот, қовун-тарвуз, узум ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш давлат планларини ошириб бажардилар.

Колхозлар ва совхозларни техника билан таъминлашда партия ва ҳукумат катта ёрдам бериб келганлиги туфайли пахтачиликни ривожлантиришда шу муваффақиятларни қўлга киритиб мумкин бўлди. Кейинги икки йилнинг ўзидагина область хўжаликлари 1269 ҳайдов ва чопиқ трактори, 1555 пахта териш машинаси, 608 та пахта подборшчиги ва бошқа кўпгина техника олдилар.

Меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги формалари, хўжалик ҳисобини жорий қилиш, моддий рағбатлантириш ва комплекс механизацияни тағин ҳам кенг жорий қилиш сингари муҳим омиллар қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулотларини давлатга сотиш планларини муваффақиятли бажаришда катта роль ўйнади.

Тошкент области хўжаликларида пахта майдонларининг 98 проценти 2756 та комплекс механизация звеноларига топшириб қўйилди. Звено бошлиғининг ўзи тракторчи механик бўлганлиги сабабли бизда пахта териш машинаси ишламайдиган звено қолмади. Шу сабабли ўтган йил 172 минг тонна пахта, ёки жамики ҳосилнинг ярмидан кўпроғи машиналарда териб олинганлиги тасодифий эмас.

Бирок область қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда нуқсонлар ва фойдаланмасдан ётган резервлар кўп. Областдаги 56 колхоз ва 13 совхоз пахтадан областда эришилган ўртача даражадан кам ҳосил олишди. Суғориладиган ерлардан ҳали ҳам қониқарсиз фойдаланилмоқда. Сабзавотчилик, картошкакорлик ва боғдорчиликда деҳқончилик маданияти ҳали ҳам паст.

Тошкент области меҳнаткашлари юбилей йилида давлатга 330 минг тонна пахта, 266 минг тонна канап пояси, 287 минг тонна сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка, 37,3 минг тонна дон сотиш, давлатга гўшт, сут, жун, тухум ва пилла сотишни анча кўпайтириш мажбуриятини олдилар.

Олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқ учун ҳозир қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиб тайёрлаб қўйиш, ирригация-мелиорация шохобчаларини тозалаш, уруғликни тайёрлаб қўйиш ва юбилей йилининг баҳорини шай бўлиб кутиб олишга қаратилган бошқа чора-тадбирларнинг ҳаммаси тез суръатлар билан олиб борилмоқда. **(Қарсаклар).**

У. САТТОРОВ нутқи

Ленинград район партия комитетининг биринчи секретари

Районимизнинг дала меҳнатчилари ўтган йили 24.600 гектар ернинг ҳар бир сектаридан 28,1 центнердан пахта етиштириб, йиллик планни 109,1 процент бажардилар. Хўжаликларимизнинг экономикаси мустаҳкамланди, колхозчиларнинг иш ҳақи ошди.

Мана шуларнинг ҳаммасига партия ва ҳукумат колхозчиларга доимий ғамхўрлик қилаётганлиги туфайли эришдик. Юксак агротехника татбиқ қилинганлиги, ишлаб кенг механизациялаштирилганлиги, кадрлар моҳирлик билан танланиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда жой-жойига қўйилганлиги натижасида шу ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозир бизнинг даланинг далачилик бригадаларининг раҳбарларидан 63 процента ўрта ва ўрта махсус маълумотли кишилар. Колхозлар, бригадаларнинг раҳбар ходимларидан ва ферма мудирларидан 70 га яқин киши қишлоқ хўжалик институтида сиртдан ўқимоқда.

Бирок, бизнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришимизда фойдаланилмасдан ётган резервлар ҳали кўп. Масалан, пахтачилик бригадаларининг 60 дан кўпроғи ўтган йил гектар бошига 25 центнердан кам ҳосил олди. Агар бизнинг бригадаларнинг ҳам 25 центнерли маррадан ўтиб кетишига эришсак, шу туфайли бутун районда қўшимча равишда яна 2500 тоннадан кўпроқ пахта олган бўлур эдик.

Райондаги пахта майдонларининг 70 процентга яқинида вилт тарқалган. Бу эса, ҳосилга салбий таъсир қилмоқда. Бу офат билан курашиб, алмашлаб экишни ҳамма жойда жорий қилишга катта аҳамият бермоқдамиз. Бу йил 938 гектар ерга беда сепиб, бедапояларни бутун экин майдонининг 10 процентига етказамиз.

Яна бир резерв шуки, минерал ўғитларни, гуппоққа ўз вақтида солиш керак. Бизнинг районимиз шароитида азотли ўғитлар билан ерларни ўғитлаш 15 июлдан кечга қолмай тамомланиши лозим. Лекин азотли ўғитларни бундан ҳам кечиктириб, ҳатто август ойларида солишга тўғри келмоқда. Чунки биз зарур миқдордаги ўғитларни ўз вақтида олмаётирмиз. Ўғитлар ишлаб чиқараётган корхоналарнинг ҳам олдига қўйдиган талабларимиз бор. Бизга етказиб берилаётган мочевина сифатидан айниқса норозимиз. Уни суперфосфат билан ҳам, маҳаллий ўғитлар билан ҳам аралаштириб бўлмаётир. Олимлардан ҳам илтимосимиз шуки, улар вилтга яхши бардош берадиган янги пахта навларини яратиб беришлари керак.

Район меҳнаткашлари 1967 йил топшириқларини муваффақиятли бажаришга ва Совет давлатининг юбилейини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда янги муваффақиятлар билан кутиб олишга маҳкам бел боғлаганлар. **(Қарсаклар).**

Е. Т. ТАСАНБОЕВ нутқи

Сирдарё область ижроия комитетининг раиси

Сирдарё область меҳнаткашлари КПСС XXIII съездининг ва партия Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошираборибо, ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни бажаришда янги беш йилликнинг биринчи йилида бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар.

Саноат маҳсулоти планда мўлжалланганидан кўпроқ ишлаб чиқарилди, қурилиш ташкилотлари яхшироқ ишлайдиган бўлиб қолди. Область пахтакорлари яхши ҳосил етиштириб, Ватан омборига 457 минг тонна ёки 1965 йилдагига қараганда 17 минг тонна кўп «оқ олтин» тўқдилар. Бу эса, колхозлар ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлашга, янги беш йилликнинг иккинчи беш йиллигида самарали меҳнат қилишга шарт-шароит яратиб беришга имкон берди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, беш йилликнинг биринчи йили айрим рекордлар қўлга киритилган йил бўлибгина қолмай, балки кўпгина хўжаликлар ва ишлаб чиқариш бригадалари ҳосилдорликни анча оширишга эришган йил ҳам бўлди, бу эса пахта етиштиришни анча кўпайтиришга имкон берди.

Ҳар бир меҳнатчи, ҳар бир механик-ҳайдовчи етиштирилган ҳосилни ўз вақтида ва яхши сифатли қилиб, териб олиш учун ўз зиммасидаги юксак масъулиятни ҳис этиб ишлади. Янги беш йилликнинг биринчи йилида область далаларида 4500 га яқин зангори кема ишлаб 257 минг тонна ёки тайёрланган жамики пахтанинг 56 процентидан кўпроғини терибберди. Демак терим машиналари 1965 йилдагига қараганда 47 минг тонна кўп пахта терди.

2 минг гектардан кўпроқ майдонда қатор ораларини 90 сантиметрли қилиб чигит экиш «Малик» совхозининг тажрибаси областимиздаги пахтачилик практикасида янгилик бўлди. Бундай усулда чигит экиш ғўзанинг ўртача қалинлигини юксак даражага етказишга ва ҳар бир гектардан 29 центнердан ҳосил олишга имконият берди.

Область меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, бу йил 475 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Ватан область колхозлари ва совхозларидан кўпгина дон, сабзавот, қовун-тарвуз, гўшт, сут, тухум, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам олади.

Пахта етиштириш, асосан экин майдонларини кенгайтириш йўли билан, шунингдек ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ҳам кўпайтирилаберади. Ҳозир ҳар бир колхоз ва совхоз ерлардан яхшироқ фойдаланишни таъминламоқ учун экин майдонларининг структурасини ишлаб чиқмоқда. Беш йилликнинг охирига борибб, ҳар бир совхозда ва колхозда пахта — беда алмашлаб экишни тўла равишда амалга ошириш учун шу йилнинг ўзидаёқ бедапояларни анча кенгайтириш мўлжаллаб қўйилди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш — экин майдонларини текислаб қўйиш, коллектор-зовурлар ва тик зовурлар қуриш ва уларни тозалаш ишлари янада авж олдирилади. Лекин комплекс механизацияни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига, айниқса пахтачиликка янада жорий қилиш йўлида пухта ўйлаб ва планли равишда иш олиб бориш область партия ташкилотининг ва маҳаллий Советларнинг асосий вазифаси бўлиб қола беради.

(Қарсаклар).

Р. ҒОЙИПОВ нутқи

Самарқанд область партия комитетининг секретари

Самарқанд область меҳнаткашлари КПСС XXIII съездининг ва партия Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни анча кўпайтирдилар. Улар ўтган йил давлатга 408,2 минг тонна, яъни бундан олдинги йилга қараганда 59 минг тонна кўп пахта топширдилар. Областнинг ҳамма районлари, барча колхоз ва совхозлар ўзларининг социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Нарпай, Пастдарғом ва Булунғур районининг пахтакорлари айниқса яхши меҳнат қилдилар. Улар пахта етиштиришни кейинги икки йил ичида 25 процент кўпайтирдилар.

Ўтган йил Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхозда ҳар гектар ерда 39,1 центнердан пахта етиштирилди. Каттақўрғон районидаги «Чимбойобод» қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари гектар бошига 32-35 центнер, Нарпай районидаги Карл Маркс номли ва «Иттифоқ» колхозлари, Хатирчи районидаги Ўзбекистон колхози, Булунғур районидаги Октябрь колхози ҳам гектар бошига 32-35 центнер пахта етиштирди. Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхозда бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўрток Эргашев ўзига бириктирилган майдоннинг ҳар сектаридан 54 центнердан пахта олди. Пайариқ районидаги Калинин номли колхозда бригада бошлиғи Ўрток Дўстмуродов, Хатирчи районида бригадир Ўрток Хидиров ва бошқалар гектар бошига 40 центнердан пахта олдилар.

Бу муваффақиятлар Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида жуда катта ғамхўрлик қилаётганлигининг натижасидир. Самарқанд область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети пленумларининг қишлоқ хўжалиги масалаларига доир қарорларини амалга ошира бориб, дала меҳнатчиларини янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга отлантирмоқда. Областда ғўза суғоришнинг группа методи ҳамма жойда жорий қилинди. Ўғитларнинг хўжаликлар ва айрим бригадаларга тақсимланиши қаттиқ контроль қилиниб турибди. Маҳаллий ўғитларни ерга солишга катта эътибор берилмоқда. Барча колхоз ва совхозларда алмашлаб экиш жорий этилмоқда.

1970 йилнинг охиригача 42 минг гектар янги ерни ўзлаштиришни ва бедапояларни бутун суғориладиган майдонларнинг 16 процентига етказишга мўлжаллаб қўйдик. Бирок бу ишда қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Кўпгина колхоз ва совхозларнинг янги ерларни ўзлаштириш учун зарур ҳужжатлари йўқ. Республика Қишлоқ хўжалик министрлигидан бу камчиликни йўқотишда бизга ёрдам беришини сўрайміз.

Кейинги йилларда биз областимизда сабзавотчиликни ривожлантириш йўлида бир мунча иш қилдик. Ўтган йил Самарқанд районининг сабзавотчилари гектар бошига 206 центнердан сабзавот олдилар. Шу райондаги «Москва» колхозининг сабзавотчилари эса ўртача ҳосилни 300 центнердан ҳам ошириб юборди-лар. Бирок кўпгина колхозлар, айниқса пахтакор районлардаги колхозлар сабзавотдан жуда паст ҳосил олмоқда.

1967 июлей йилида область меҳнаткашлари 400 минг тонна пахта 241 минг тонна дон, 145 минг тонна сабзавот, жуда кўп узум, мева, картошка, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириб берадилар. Бу жуда катта ва масъулиятли вазифа. Сизларни ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, жонажон Совет ҳокимиятининг ярим асрлик юбилейини муносиб кутиб олиш учун курашаётган Самарқанд область меҳнаткашлари беш йиллик иккинчи йили планини муваффақият билан бажарадилар. **(Қарсаклар).**

М. УМИРОВА нутқи

Қашқадарё область, Қарши районидаги «Ленинизм» колхози партия ташкилотининг секретари

Ўтган йил колхозимиз меҳнаткашлари бир қанча қийинчиликларни енгиб пахта тайёрлаш планини 110 процент бажаришди ва давлатга 4026 тонна «оқ олтин» сотишди. Х. Омонов бригадаси айниқса яхши иш кўрсатди. У, 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олди. Бу бригадада ҳар меҳнат кунига 8 сўмдан зиёдроқ пул тушди. Колхознинг «кўпминг килограммчилари» М. Раҳимқулова, Б. Усмонова, З. Худойбердиева ва бошқа кўпгина теримчилар ҳам механизаторлар билан бир қаторда яхши меҳнат қилиб, уларнинг ҳар қайсиси хирмонга 15 тоннадан зиёд пахта тўкди.

Колхозда ғаллачилик, чорвачилик ва боғдорчилик ҳам яхши ривожланган. Колхознинг меҳнатчилари олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда коммунистлар етакчи роль ўйнамоқдалар. Колхоз партия комитети хўжалик масалалари билан бир қаторда колхозчилар турмушининг маданиятини оширишга, уларнинг фаровонлигини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда. Ўтган йилнинг ўзидагина 80 оила янги уйларга кўчиб ўтди. Шу уйларнинг ҳар қайсисида телевизор, радиоприёмник, газ бор. Колхозимизда иккита клуб, касалхона, дорихона, марказий қўрғонда маданият уйи ишлаб турибди. Янги урф-одатлар ва анъаналарни жорий қилишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, колхозда никоҳ тўйларининг ҳаммаси янгича қилиб ўтказилмоқда. Бу йилги юбилей йилида яна 30 оила янги уйларга кўчиб ўтади. Колхозда иккита медицина пункти, яна бир клуб, мактаб, 2 та болалар боғчаси қурилади. Ҳамма иш қўлидан келадиган кадрларимиз ҳам бор. Хўжаликда олий ва ўрта махсус маълумотли юз эллик кишидан кўпроқ мутахассис ишлаб турибди.

Тажриба шуни кўрсатдики, Қарши дашти узун толали пахта етиштириб берадиган асосий районларнинг бири бўлиб қолиши мумкин. Бирок, областимизда пахтанинг мана шу қимматли навларини етиштириш ҳали ҳам етарли суръатлар билан ривожлантирилмаётганлиги бизни ташвишлантирмоқда. Мана шуни ҳисобга олишни жуда ўтиниб сўраймиз.

Юбилей йилида областнинг барча меҳнаткашлари каби бизнинг колхоз аъзолари ҳам ўз эмаларига янги мажбуриятлар олдилар ва Улуғ Октябрь 50 йиллигини шараф билан кутиб олишга тайёрланмоқдалар. **(Қарсаклар).**

С. ПИРМАНОВ нутқи

Томди район партия комитетининг биринчи секретари

Томди район қорақўлчилари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленумининг қарорларида қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажармоқдалар. Районда совлиқлар бир йил ичида 44 минг бош ёки 13 процент кўпайди. Натижада жамики қўйлар орасида совлиқларнинг салмоғи анча ошди. Давлатга гўшт ва жун сотиш планлари ошириб бажарилди.

Ленин номидаги «Коммунизм» колхозларининг ва «Оёқкўдуқ» совхозининг чўпонлари беш йилликнинг биринчи йилида айниқса яхши ишладилар. Ўнлаб фермалар ҳар ҳар 100 совлиқдан 120-130 ва ундан ҳам кўпроқ кўзи олиш мажбуриятларини ошириб бажардилар. Ҳар бир қўйдан уч килограмм ва ундан ҳам кўпроқ жун қирқиб олишга эришилди.

Шу билан бирга хўжаликларимизнинг ишида катта камчиликлар ҳам бўлди. Бу камчиликларни тезроқ йўқотиш. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш чораларини кўрмоқдамиз.

Қорақўлчиликни яхши биладиган коммунистлар ва комсомоллар чорвачилик бригадаларига ва чўпонларнинг бригадаларига келиб ишга тушдилар. Бошланғич партия ташкилотларининг, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг роли оширилди, чўпонлар орасида олиб борилаётган ташкилий ва сиёсий иш яхшиланди. Чўпонлар турмушининг маданиятини ўстиришга катта эътибор берилмоқда.

Қўйларни 633 минг бошга етказишни, давлатга 4035 тонна гўшт, 1756 тонна жун, бир неча минг қоракўл тери сотишни юбилей йилида ўзимизга марра қилиб олдик. Чорва қишловини муваффақият билан тугаллашга, чорвани тўла-тўкис сақлаб қолишга ҳозир бутун эътиборни қаратмоқдамиз.

Қўзилатиш кампаниясига тайёргарликни муваффақиятли тамомлаш ва уни яхши кўрслар ташкил этилди. Сўйиш пунктлари ва складларнинг эскилари ремонт қилиниб янгилари қурилиб ишга туширишга тахт қилиб қўйилмоқда, ем-хашак, туз запас қилиб қўйилмоқда, зарур асбоб-ускуналар ташиб келтирилмоқда.

Фермалар ва чорвачилик бригадаларининг коллективлари орасида социалистик мусобақа кучайтирилмоқда, яхши оширилган мажбуриятлар элимоқда. Чунончи, «Коммунизм» колхозида Б. Қўрғонбоев мудирлик қилаётган илғор ферма ҳар юз совлиқдан 140 кўзи олишга, «Томди» совхозидаги бош чўпонлар Г. Абдураҳмонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Жакеев эса 175 тадан кўзи олишга қарор қилдилар.

Бухоро области, айниқса Томди районида шароитида қорақўлчиликнинг янада ривожлантирилиши яйловларнинг қай ҳолатда бўлишига, сув манбаларининг мавжудлиги, қорақўлчиликда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар қай даражада механизациялашганига, шунингдек зарур ишлаб чиқариш ва маданий-маиший марказларни вуждга келтиришга, меҳнатга тўғри ҳақ тўланишига боғлиқ. Ҳозирги вақтда республиканинг кўп ташкилотлари шу вазифани амалга ошириш устида ишламоқдалар. Яқин вақт ичида шу масаланинг ҳаммаси ҳал қилиб берилади, деб ишонамиз.

Район меҳнаткашлари номидан сизларни ишонтириб шуни айтишга ижозат бергайсизки, юбилей йилида қўйилган вазифаларни шараф билан бажарамиз. **(Қарсаклар).**

С. ҚАЛАНДАРОВ нутқи

Урганч районидаги Ленин номли колхоз ранси

Урганч области — республикадаги энг юқори ҳосилли пахтакор районларнинг биридир. Ўтган йили гектар бошига 37 центнер пахта ҳосили олинди. Бизнинг колхозимизда эса ундан ҳам кўпроқ — 39,1 центнер ҳосилдорликка эришилди. Колхозимиз аъзолари давлатга 4200 тонна пахта, кўп миқдорда сабзавот, гўшт, сут, тухум, жун сотдилар.

Ўтган йилги даража биз учун чегара эмас. Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилган колхозчиларимиз юбилей йилида 4865 тонна пахта, 83 тонна гўшт, 260 тонна сут ва бошқа кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олдилар. Улар ўз сўзларига яраша амалий ишлар қилмоқдалар. Давлатга гўшт, сут ва тухум сотиш квартал планлари бажариб бўлинди, жун сотиш бўйича ярим йиллик план бажарилди.

Баҳорги экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳозирги кунгача 800 гектар ёки колхозларнинг экиладиган ярмидан кўпроғи яхшилаб текислаб қўйилди, 350 гектар ерга яҳоб суви берилди. Далага маҳаллий ўғитлар чиқарилди, қишлоқ хўжалик техникаси ремонт қилинмоқда.

Бизнинг колхозимиз шаҳарнинг ёнгинасида жойлашган, шу сабабли биз пахтачилик билан бирга сабзавотчиликни ҳам ривожлантирмоқдамиз. Ҳозирги вақтда парникларда эртанги сабзавот кўчатлари ўстирилмоқда, уларни экиш учун майдон тайёрлаб қўйилмоқда. Беш минг квадрат метр жойда янги теплица хўжалиги қурилмоқда. Бу теплицани майдача битказишни мўлжаллаб турибмиз. Бу теплица ишга тушгач, шаҳар аҳолисини сабзавот билан таъминлаш анча яхшиланади.

Хўжаликларнинг экономикаси мустаҳкамланиб, колхозчиларнинг турмуши яхшиланиб бормоқда. Колхоз территориясида бош планга мувофиқ қурилаётган обод поселка қад кўтармоқда. Ўтган йили 69 та янги уй-жой биноларига меҳнаткашлар кўчиб киришди.

Бу йил эса, колхозчиларнинг 150 оиласи ҳовли ўйин ўтказиш тараддудини кўрмоқда. Колхозларнинг уйларнинг ҳаммаси электр ва радио билан таъминланган. Бу йил эса, колхоз қишлоғига водопровод ва газ қувурлари етказиш ишлари бошлаб юборилади.

Улуғ айём — Совет давлатининг 50 йиллик юбилейи яқинлашиб келмоқда. 45 центнерлик пахта ҳосили шоли юбилейга бизнинг тўёнамиз бўлади! **(Қарсаклар).**

Ш. ҚУДРАТОВ нутқи

Шеробод районидаги «Советобод» совхозининг комплекс механизациялашган бригадаси раҳбари

Пахтачиликдаги ишларни тамомила механизациялаштирмай туриб, катта ҳосил олиш мумкин эмаслиги ҳозир ҳаммага равшан бўлиб қолди. Техниканинг кучини ва унинг чексиз имкониятларини бизнинг бригадамиз ўз тажрибасида синаб кўрди. Мен ва ўртоқларим тажрибали механизатор бўлганимиз ҳолда, биз ҳаммамиз «Шеробод даштини ўзлаштириш ёшларнинг иши» деган чақириқ жавобан 1966 йилда қўриқ ерларни ўзлаштиришга келдик. Шуни айтишим керакки, техникага меҳр қўйган, уни яхши билган ва ундан моҳирлик билан фойдалана оладиган киши ҳар қандай ерда ҳам жуда яхши натижаларни қўлга киритиши мумкин.

Бригадамиз 8 кишидан иборат. Қўрик ерга етиб келишимиз билан дарров 86 гектар ер очдик. Шу ерларга яҳоб суви беришни шу кунгача давом эттирмоқдамиз. Меҳнат қилиш учун ҳам, дам олиш учун ҳам шароитимиз яхши. Барча совет кишилари учун унутилмайдиган мана шу юбилей йилида бизнинг бригадамиз ҳар бир гектар ердан камида 30 центнер оқ олтин етиштириш ва бутун ҳосилни машиналарда териш мажбуриятини олди. Мен ўзим 250 тонна пахтани машинада териб хирмонга тўкишга сўз берамай.

Ўзбекистоннинг барча механизаторларга ёзган очиқ хатим республика газеталарида босилиб чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган шу очиқ хатда мен йигит-қизларни қўриқ ерларни ўзлаштиришга актив қатнашишга, тракторлар ва пахта териш машиналарини ўрганиб олишга чақирдим. Кези келгандан фойдаланиб ёш механизаторларга шу минбардан туриб яна мурожаат қиламан: Бизнинг Шеробод даштимизга келинглар, азиз дўстлар! Биргалашиб янги ерлар очамиз, пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашамиз! **(Қарсаклар).**

Е. АЙТМУРОТОВ нутқи

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси

Мамлакатимиз шонли юбилей — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги арафасида турибди. Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари билан бирга Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари ҳам бу шонли кунни кутиб олишга тайёрланмоқдалар.

Чор Россиясининг илгари қолоқ ва чеккада қолган аграр ўлкаси бўлган Қорақалпоғистон Совет ҳокимияти йиллари давомида қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган ва индустрияси ривожланиб бораётган, гуллаб-яшнаб турган автоном республикага айланди. Республикамизда Тахиатош ГРЭСи қурилди, яқинда унинг ҳар бир минг киловаттли учинчи агрегати ишга тушди. Амударё устига ҳашаматли қўприк солинди. Яқиндагина Бухоро газ автоном республика пойтахти Нукусга етиб келди.

Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик меҳнатчилари беш йилликнинг биринчи йилини пахтачиликни ривожлантиришдаги катта муваффақиятлар билан кутиб олишди. Улар 290 минг тонна ёки планда кўрсатилганидан 60 минг тонна кўп пахта етиштириб уни давлатга сотишди. Пахтанинг ҳосилдорлиги 1963 йилдагига нисбатан 7,6 центнер кўпайди. Партия ва ҳукумат пахтакорларга жуда катта ғамхўрлик қилаётганлиги туфайли биз мана шу муваффақиятларни қўлга киритдик.

Пахтачилик кенг механизациялаштирилганлиги ҳам ишимизнинг муваффақиятли бўлишига ёрдам берди. Машина пахтакорнинг энг яхши дўсти. Ер ҳайдашда, экишда, ҳосилни йиғиб-териб олишда у пахтакорга мададкор. Машина минглаб кишининг ишини бажариб бермоқда, қўшимча ишчи кучини жалб қилмай, йиғим-терим ишларини бажаришга имкон бермоқда.

Мисол учун Тахтакўпир районидаги Ленин номли совхозни олиб кўрайлик. Ўтган йил шу совхоз механизаторлари пахта ҳосилининг 80 процентини машиналарда териб беришди. Терим қизиғи бораётган пайтларда совхоз далаларида четлан тортилган битта ҳам киши ишлагани йўқ. Пахта тайёрлаш плани 148 процент, пахтани машинада териш плани эса 216 процент бажарилди.

(Давоми учинчи бетда).

Юксалиш рақамлари

◆ **Юбилей йилида республикамиз қишлоқ хўжалиги ўз тараққиётининг янада юксак поғонасига кўтарилади. Пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида олга томон янги катта қадам қўйилади ва давлатга республика бўйича 4 миллион тонна, шу жумладан Тошкент области бўйича 330 минг тонна, Сирдарё области — 482 минг тонна, Фарғона области — 510 минг тонна, Андижон области — 820 минг тонна, Самарқанд области — 400 минг тонна, Бухоро области — 330 минг тонна, Қашқадарё области — 210 минг тонна, Сурхондарё области — 310 минг тонна, Хоразм области — 330 минг тонна ва Қорақалпоғистон АССР — 300 минг тонна «оқ олтин» сотилади.**

◆ Бу йил деҳқончилик маданиятини ошириш, илғор агротехникани, фан эришган муваффақиятлар ва илғор тажрибани кенг жорий этиш, техника тараққиётини тағин ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган ишлар, айниқса ҳосил йиғим-терими кенг кўламда механизациялаштирилади ва «зангори кема»лар билан камида 1 миллион 500 минг тонна пахта териб олинади.

◆ **Ғалланорларимиз ва шолиқорларимиз ҳам Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейига муносиб меҳнат совғаси тайёрлашга аҳд қилдилар. Улар бу йил давлатга 203 минг тонна дон сотадилар, бундан ташқари 150 минг тонна шоли етиштирадилар ва давлатга 83 минг тонна шоли топширадилар.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Узбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитетининг профессионал-техника билим юртлари ходимларига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони бериш тўғрисида

Узоқ йиллик педагогик фаолияти ва республиканинг халқ хўжалигига малакали кадрлар тайёрлашдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилсин:

1. **Бурхонов** Бадриддин Бурхонович — Фарғона шаҳридаги 1-шаҳар профессионал-техника билим юртининг директори.
2. **Гришченко** Марфа Яковлевна — Самарқанд шаҳридаги 6-шаҳар профессионал-техника билим юртининг ишлаб чиқариш таълими мастери.
3. **Мирзакаримов** Абдувоҳид — Андижон шаҳридаги 19-қишлоқ профессионал-техника билим юртининг старший мастери.
4. **Насриддинов** Нуриддин — Тошкент шаҳридаги 4-шаҳар профессионал-техника билим юртининг ўқитувчиси.
5. **Самиров** Муҳаммаджон Ғуломович — Тошкент шаҳридаги 9-шаҳар профессионал-техника билим юртининг старший мастери.
6. **Сулаймонов** Шагиазм Исмайлович — Қашқадарё область Яқкабоғ станциясидаги 20-қишлоқ профессионал-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими мастери.
7. **Усмонов** Нишон — Тошкент шаҳридаги 5-шаҳар профессионал-техника билим юрти ишлаб чиқариш таълими мастери.
8. **Фахриева** Вафия Имомуддинова — Хоразм область Хива шаҳридаги 23-қишлоқ профессионал-техника билим юртининг ўқитувчиси.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

1967 йил, 1 март
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«Медицина ходимларининг бир группасига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони бериш тўғрисида

Даволаш ишлари билан узоқ йиллар давомида, самарали шуғулланганликлари ва аҳолининг соғлиғини сақлашдаги хизматлари учун қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берилсин:

1. **Гарибова** Амалия Сократовна — Тошкент шаҳридаги 5-юқумли касалликлар касалхонасининг бўлим мудири.
2. **Идессис** Ида Григорьевна — Тошкент шаҳридаги 5-юқумли касалликлар касалхонасининг бўлим мудири.
3. **Орловская** Тамара Петровна — Ўрта Осиё темир йўли Самарқанд станцияси темир йўл касалхонасининг бошлиғи.
4. **Садименко** Иранда Ивановна — Тошкент шаҳридаги 5-юқумли касалликлар касалхонаси бош врачининг ўринбосари.
5. **Сайфуллина** Дина Гениатулловна — Тошкент шаҳридаги 8-тугруқхона аёллар консультациясининг мудири.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.

**Узбекистон ССР Олий Совети

МАРРА—ТЎРТ МИЛЛИОН ТОННА

(Бошы иккинчи бетда)

Хўжайли районидаги Калинин номли колхоз бундан уч-тўрт йил муқаддам энг қолоқ хўжалик эди. Ҳар гектардан олти-етти центнер пахта олар эди. Кейинги йилларда бу колхозда механизация кенг қўлланиладиган бўлиб қолди. Шу туфайли бу қишлоқ хўжалиги артелининг колхозчилари ўтган йил ҳар гектардан 26,3 центнердан ҳосил кўтариб, пахта етиштириш планини биринчилар қаторида бажардилар.

Комплекс механизация пахта таннархини анча камайтиришга, кўпроқ фойда олишга ва илгари қолоқ бўлиб келган хўжаликларнинг илғорлар қаторига ўтиб рентабелли хўжалик бўлиб қолишларига имкон бермоқда. Ўтган йил автоном республиканинг ҳамма совхозлари зарар кўришга тамомила чек қўйиб, мамлакатга 8,5 миллион сўм фойда берди.

Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашлари Совет давлатининг 50 йиллигини кутиб олишга тайёрланиб, 280 минг тонна пахта, 33 минг тонна шоли, 9700 тонна гўшт, 23600 тонна сут, кўпгина жун, пилла, сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг етиштириш мажбуриятини олдилар. Улар бу юксак мажбуриятни албатта бажарадилар. (Қарсаклар).

Д. С. ЁДГОРОВ нутқи

Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари

Пахтачиликка комплекс механизацияни жорий этиш учун қурашувчиларнинг биринчи сафларида бўлиш — комсомолларнинг бурчидир. Бу гап Ўзбекистон ёшларининг шиори бўлиб қолди. Ўтган йилнинг ўзида тракторчи ва пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари ихтисосини ўрганиб олган 34 минг йигит ва қиз республика механизаторларининг сафига қўшилди. 75 мингдан ортиқ қишлоқ меҳнатким ёшлари махсус курсларда ўз маҳоратларини оширдилар.

Қишлоқ жойлардаги комсомол ташкилотлари механизатор кадрлар тайёрлашда яхши ташаббус кўрсатдилар. Ўрта Чирчиқ районидаги В. И. Ленин номли колхозда ташкил этилган 15-профессионал-техника билим юртининг филиалида ўқиган 138 қиз «зангори кема» ҳайдовчилари деган гуворҳома олди. Бухоро областида ҳам шундай филиаллар ишлаб турибди.

Техникага ихлос қўйган ёшлар республиканинг машинада пахта териш планини муваффақиятли бажаришига муносиб ҳисса қўшдилар. Сирдарё ва Андижон областларининг комсомол ташкилотлари айниқса яхши иш кўрсатдилар. Машина теримида катта муваффақиятларга эришганликлари учун уларга Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари топширилди. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир областларнинг комсомол ташкилотлари механизатор кадрлар тайёрлашда ва қайта тайёрлашда дуруст қатнашмадилар.

1967—1968 йилларда юз минг ёш механизатор тайёрлаш соҳасида қўйилган вазифани амалга оширишда республика комсомоллари актив қатнашадилар. Бу соҳада йигит ва қизларга ўз касбини ўрганаётган пахта териш машиналарининг машҳур ҳайдовчилари бошлаган ташаббус катта аҳамиятга эга бўлади. Бу фойдали ташаббус кенг қанот ёзиши лозим. Механизаторлар қишлоқлардаги ўрта мактабларни оталикка олиб, ўқувчиларда техникага муҳаббат уйғотсалар яхши бўлар эди.

Ўзбекистон комсомоллари аввалларидек бўлганидек, юбилей йилида ҳам мўл пахта ҳосили учун, комплекс механизацияни кенг жорий этиш учун қурашувчиларнинг олдинги сафида борадилар. (Қарсаклар).

А. Д. ДАДАБОЕВ нутқи

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари

Олимларимиз пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни янада кўпайтириш учун олиб борилаётган курашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир гўза касалликларига ва аввало вилтга қарши кураш олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир. Агротехниканы тўғри тадбиқ қилиш бу соҳада катта ёрдам бериши мумкин.

Сўзга чиққан ўртоқлар жанубий областларда ингичка толали пахтани кенг кўламда етиштириш лозимлиги ҳақида гапирдилар. Пахтанинг бу нави бир қанча афзалликларга эга, анча яхши тола беради, касалликларга бардош қилади. Имконият бўлган ҳамма жойда пахтанинг бу навини кўпроқ етиштириш керак.

Пахта етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш учун кураш олиб бориш билан бир қаторда, унинг сифатини оширишга ҳам эришиш, чигитнинг барвақт униб чиқишини таъминлаш, далаларни яхши текислаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, деҳқончиликнинг юксак маданиятини таъминлайдиган барча тадбирлар ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Бу соҳада Хоразм пахтакорлари яхши ибрат кўрсатмоқдалар.

Ғўзанинг бир текис авж олиб ўсишига эришиш, бир тупда ғўза эндигина шоналаётган бўлиб, иккинчи бир тупда эса, кўсак тугиб қолишдек аҳволлар бўлмаслигига ҳам, жумладан, ғоят муҳимдир. Беғона ўтларга қарши кураш проблемаси ҳам диққатга сазовор масаладир. Бир қанча районларда пахтазорларни беғона ўтлар босиб кетишига йўл қўйилаётганлиги ва шу сабабли кўп куч ҳамда маблағ сарф қилинишига қарамай, мўлжалланганидан кам ҳосил олинаётганлиги сир эмас.

Партия ва ҳукумат қишлоқ хўжалик фанини ривожлантириш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилмоқдалар Республика олимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари юксак ипончли оқламоқ учун қўлларидан келган бутун чораларни кўрадилар, олдиларида турган катта ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун бутун кучларини сарфлайдилар. (Қарсаклар).

И. В. БАБКОВ нутқи

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг раиси

Ушбу қурултой Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўрилаётган қутлуғ кунларда тўпланди. Шу сабабли республикада пахтачилик қандай ривожланиб борганлигини кўрсатувчи баъзи рақамларни айтиб ўтиш ўринли бўлади. Революциядан олдинги пахтачилик энг равнақ топган 1916 йилда ҳозирги Ўзбекистон территориясидан беш юз минг тоннадан кўпроқ пахта етиштирилган эди. 1966 йилда эса 4 миллион 80 минг тонна, ёки 1916 йилдагига қараганда 8 баравар кўп пахта етиштирилди. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳам анча кўпайди.

Республика қишлоқ хўжалигини энергия билан таъминлаш даражаси тўхтовсиз ошиб бормоқда. 1966 йилда республика колхозларни ва совхозларининг далаларида (15 от кучига айлантириб ҳисобланганда) 120 мингдан кўпроқ трактор, 24 мингта пахта териш машинаси ва 500 мингта бошқа қишлоқ хўжалик механизмлари ва асбоблари ишлади. Машиналар пахтакорнинг қўл меҳнатини 70 процент қисқартирди.

Юбилей йилининг вазифалари жуда катта. Лекин Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу вазифаларни уддалай олади. Колхозлар ва совхозлар бу йил йигирма мингдан кўпроқ трактор оладилар. Уларга тўрт мингдан кўпроқ пахта териш машинаси, бир миллион 600 минг тоннадан ортиқ минерал ўғит берилади. Ҳаммаси бўлиб хўжаликлар «Узсельхозтехника» системаси орқалигина 400 миллион сўмликдан кўпроқ моддий техника воситалари оладилар.

Машиналар ва бошқа техника воситалари муттасил кўпайиб бораётганлиги хўжаликларни шу машиналар билан ўз вақтида таъминлаш, бу техникани тўғри асраш ва ундан тўғри фойдаланиш борасида «Сельхозтехника» ходимлари олдига катта вазифалар қўймоқда. Афсуски, бу ишда камчиликлар оз эмас. Ўтган йил «ХВС-1,2» пахта териш машинасининг 3300 дан кўпроғи, яъни мана шу мавжуд терим машиналарининг учдан бир қисмини — хўжаликлар ишга яроқсиз ҳисоблаб сафдан чиқариб юбормоқчи нинг хизмат муддатини ўтаб бўлгани йўқ. Жумладан, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министрлиги ходимларида шундай тенденция пайдо бўлди. Бу автоном республикада пахта териш машиналаридан 465 таси ёки қариб 55 процента ишга яроқсиз, деб ҳисобдан чиқариб ташланган бу «ХВС-1,2» машиналарининг 85 процента ҳали тўрт йил ҳам ишлагани йўқ. Бундай машиналар камида 7 йил ишлаб бериши керак. Пахта териш ишларини механизациялашга зарар етказаётган бундай аҳволга қатъиян чек қўйиш лозим.

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг фаолиятида ҳам камчиликлар оз эмас. Колхозлар ва совхозлар ремонт сифатининг пастлигини кўрсатиб бизни тўғри танқид қилмоқдалар. Бу танқид шунинг учун ҳам ҳақли танқидки, машиналарни индустриал методлар билан ремонт қилишга имкон берадиган катта техника базамиз бор.

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг ишчилар, инженер-техник ходимлар коллективи Совет ҳокиматининг 50 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олди. Бу мажбуриятни биз шараф билан бажарамиз. (Қарсаклар).

М. Б. ЭҲСОНОВ нутқи

Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам 1966 йилда катта муваффақиятларга эришдилар. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан сизларга пахтачиликни ва бутун халқ хўжалигини ривожлантиришда юбилей йилида янги катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Беш йилликнинг биринчи йилида Қозоғистон меҳнаткашлари ҳам экономикани ривожлантиришда, халқ турмушининг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтиришда анча ютуқларни қўлга киритдилар. Ғаллакорлар меҳнатининг натижалари айниқса бизни қувонтиради. Улар мўл ҳосил етиштириб, Ватан омборларига бир миллиард пуддан ортиқ дон тўкиб қўйдилар. Бизнинг республикамиз илгари ҳеч қачон шу қадар кўп ғалла тайёрламаган эди.

Қозоғистонда меҳнат ғайрати кундан-кунга кучаймоқда. Бутун мамлакатда бўлгани каби бизнинг республикада ҳам Улуғ Октябрь 50 йиллигига тайёргарлик кўпгина шонли ташаббуслар тўғилишига сабаб бўлди ва бу ташаббусларни ҳамма қўллаб-қувватламоқда.

Пахта етиштиришни кўпайтириш учун курашда Ўзбекистон меҳнаткашлари йилдан-йилга янги, тағин ҳам юксак кўрсаткичларга эришаётганликларини кўриб қувонмоқдамиз. Ўзбек пахтакорлари бизнинг Чимкент областимиздаги пахтакор ўртоқларига муттасил бераётган ёрдамларини юксак даражада қадр ламоқдамиз ва уларнинг традицион мусобақаси бундан буён ҳам давом эттирилади, деб умид қиламиз.

Бизнинг мусобақамиз халқлар ленинча дўстлиги ҳаётбахш кучининг ёрқин кўринишидир. Бу мусобақа йил сайин ўзининг ажойиб натижаларини бермоқда. Бу юбилей йилида ҳам мусобақамиз янада зўр қанот ёйиб кенгайишига, коммунистик қурилишнинг буюк ишига кўплашиб қўшаётган ҳиссамизни янада салмоқдор қилишига ишонамиз.

Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейини муносиб кутиб олишингизни истаймиз. (Қарсаклар).

П. С. ДОЛГОВ нутқи

Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

Туркманистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан республикамизнинг колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашлари номидан сизларга ва сизлар орқали Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига самимий қардошлик саломини топширишга ижозат бергайсиз.

Қардош Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1966 йилда ўзларининг қаҳрамонона меҳнатлари билан мўл ҳосил етиштиргандикларини ва давлатга тўрт миллион тоннадан кўпроқ пахта сотганликларини кўриб, серқуёш Туркманистон меҳнаткашлари қувонмоқдалар ва бу муваффақиятлар билан фахрланмоқдалар.

Ўзбекистон пахта усталаридан ўқиб ўрганмоқдамиз. Сизлар мўл ҳосил етиштиришда бизга катта тажрибангиз билан ёрдам бермоқдасиз. Ўзбекистон саноати қишлоқ хўжалигимизни тракторлар ва пахта териш машиналари, сеялкалар, культиваторлар ва бошқа техника билан, шунингдек минерал ўғитлар билан таъминлаб турибди. Адабиёт ва санъат соҳасида ҳам халқларимиз азалдан бир-бирлари билан алоқа қилиб келмоқдалар. Ҳозир Туркманистон меҳнаткашлари Ўзбекистон адабиёти ва санъати ўн кунлиги бошланишини сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Зилзиладан шикастланган Тошкентни қайта тиклашда Туркманистон бинокорлари кўрсатаётган ёрдам халқларимиз қардошларча дўстлигининг ёрқин намунасидир.

Республикаларимиз ўртасидаги социалистик мусобақа пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини етиштиришда Туркманистон меҳнаткашларининг муваффақиятларни қўлга киритишларида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу мусобақа меҳнатда муваффақиятларни қўлга киритишда ёрдам берибгина қолмай, халқлар ўртасидаги дўстликни ҳам мустаҳкамламоқда. Шу сабабли Туркманистон қишлоқ хўжалик илғорларининг ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган республика қурултойида Ўзбекистон пахтакорлари билан традицион мусобақани давом эттиришга якдиллик билан қарор қилинди.

Бутун Совет халқи билан бирга Туркманистон меҳнатка ш л а р и Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини тантана ва хурсандлик билан нишонлашга ҳозирланмоқдалар. Шонли юбилей шарафига саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан оширилган мажбуриятлар олинмоқда.

Сизларни ўтган йил қўлга киритилган катта муваффақиятлар билан яна бир марта қутлашга, таланти ва меҳнатсевар ўзбек халқига, республиканинг барча меҳнаткашларига, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда юбилей йилида янги муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз. (Қарсаклар).

Х. Н. МИРЗОЯНЦ нутқи

Тожикистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари

Тожикистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, бутун тожик халқи номидан сизларга, сизлар орқали барча қишлоқ хўжалик ходимларига, меҳнатсевар бутун ўзбек халқига қизғин юрак саломини топширишга ва улуг Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида янги ажойиб муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг тақдирида муштарак нарсалар кўп. Ўзбек, тожик халқлари азалдан бир-бирлари билан қардош ва дўст бўлиб келганлар. Революциядан олдин Ўзбекистон ва Тожикистон экономикаси нечоғлик қолоқ бўлганлигини ҳаммамиз биламиз. Партиянинг иродаси, Совет Ватанидаги ҳамма халқларнинг қардошларча ёрдами туфайли Ўзбекистон ва Тожикистон саноати, қишлоқ хўжалиги юксак даражада ривожланган ва илғор маданиятга эга бўлган республикаларга айландилар.

Гуллаб-яшнаб турган ўзбек диёри ўзининг шонли ишлари билан машҳур. Коммунистик қурилишда, шу жумладан қишлоқ хўжалигида ҳам қардош ўзбек халқи эришган катта ғалабаларни кўриб сиалар билан бирга қувонмоқдамиз. Ўзбекистон пахтакорлари социалистик мусобақанинг олдинги сафида бориб, илғор агротехникани ижодий татбиқ қилиш ва комплекс механизациянн жорий қилиш намунасини кўрсатмоқдалар.

Тожикистон пахтакорлари ҳам чакки ишлагаланри йўқ. Улар давлатга 630 минг тонна ёки пландагидан 70 минг тонна кўп пахта сотдилар. Тайёрланган жамики пахтанинг 219 минг тоннаси қимматбаҳо ингичка толали пахта навларидан иборат бўлди. Сабзавот, лимон, тамаки етиштириш кўпайтирилди. Дон, қовун-тарвуз, узум, гўшт, сут, тухум, жун, пилла, қорақўл тери харид қилиш йиллик плани ҳам тўла ва ошириб бажарилди. Чорванинг маҳсулдорлиги бир мунча ошди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг жуда катта ёрдами бўлмаганда эди ва сизлар муттасил дўстона мадад бериб турмаганингизда эди, биз мана шу ютуқларнинг ҳаммасини қўлга кирита олмаган бўлур эдик. Халқларнинг дўстлиги ва қардошлиги идеялари, пролетар интернационализми идеяси Тожикистоннинг ҳамма халқларига яқин ва жонажон бўлиб қолди. Пахтачиликни ва бошқа тармоқларни янада юксалтириш учун курашда традицион социалистик мусобақа ҳамиша катта ёрдам бериб келмоқда.

Саҳийлик билан берган дўстона ёрдамларингиз учун сизлардан миннатдормиз ва қурултойга шуни айтмоқчимизки, Тожикистон қишлоқ хўжалиги ходимларида икки республиканинг — икки қардош халқнинг социалистик мусобақасини бу йил ҳам давом эттирайлик, деган катта истак бор.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига олинган мажбуриятларни бажариш йўлида қардош республикаларимиз колхозчи деҳқонларининг қиладиган фидокорона меҳнати Улуғ Октябрь ишига чексиз содиқликнинг, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашганлигимизнинг яна бир ёрқин далили бўлажак. (Қарсаклар).

С. ИБРАИМОВ нутқи

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитети, Қирғизистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан, республикамизнинг барча меҳнаткашлари номидан сиз қурултой қатнашчиларини ва сизлар орқали қардош Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини чин қалбдан табриклашга ва коммунистик қурилишда сизларга чин кўнгилдан янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистон билан Қирғизистон меҳнаткашлари қардошларча дўстлик алоқалари ва ҳамжиҳатлик билан маҳкам боғланганлар. Иқтисодий ва маданий алоқаларимиз кундан-кунга мустаҳкамланиб, совет кишилари қардошларча ҳамкорлигининг ёрқин намуналаридан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбек ва қирғиз пахтакорлари ўртасидаги социалистик мусобақа яхши натижалар бермоқда. Дала меҳнатчилари пахта етиштиришни кўпайтиришда фан ва илғор тажриба эришган яхши натижаларнинг ҳаммасини бир-бирларига ўргатмоқдалар. Социалистик мусобақанинг бажарилиши ҳар йил ўзаро текшириб турилганлиги пахтакорларимизнинг мўл ҳосил олишга эришишларига ҳамда бу қимматли хом ашёни етиштириш ва териб олишнинг прогрессив методларини жорий қилишларига жиддий ёрдам бермоқда. Совет Ўзбекистони мутахассислар тайёрлашда бизга актив кўмаклашмоқда. Тошкент олий ўқув юртларини тамомлаб чиққан кўпгина мутахассислар Қирғизистон халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида муваффақиятли ишламоқдалар.

Совет халқларининг дўстлиги бошимизга шодлик тушган кунларда ҳам, кулфат тушган кунларда ҳам ўзини дарров сездиради. Яқинда бўлиб ўтган кулфат вақтида Тошкентликларнинг мардлигига ва бардошига, барча қардош совет халқлари уларга зўр мадад берганликларига қойил қолдик. Қирғизистон республикаси ҳам Ўзбекистон пойтахтига қўлидан келганча ёрдам кўрсатди. Халқларнинг қардошларча дўстлиги тош-метиндек мустаҳкам бўлган фақат бизнинг мамлакатимиздагина халқлар бир-бирига мана шундай олий ҳиммат кўрсатиб, мурувват қилишлари мумкин.

КПСС XXIII съездининг қарорларидан руҳланган Қирғизистон қишлоқ хўжалик меҳнатчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига баланд руҳ билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари шонли юбилей шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, бу йил давлатга пландан ташқари ўн минг тонна пахта, кўпгина ғалла, қанд лавлаги, гўшт, сут, жун, тухум сотиш мажбуриятини олдилар. Қишлоқ меҳнаткашларимиз кўкламги экишга тайёргарлик кўриш ва чорва қишловини муваффақиятли тугаллаш йўлида катта иш қилмоқдалар.

Сизларга сиҳат-саломатлик ва ватанимиз бахт-саодати йўлида қилаётган олижаноб меҳнатингизда яна катта ижодий муваффақиятлар тилашга ва республикаларимиз ўртасидаги социалистик мусобақани бу йил ҳам давом эттиришни Қирғизистон меҳнаткашлари номидан сизлардан илтимос қилишга ижозат бергайсиз. (Қарсаклар).

Х. Б. ОХУНДОВ нутқи

Озарбайжон ССР Министрлар Совети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири

Сизларга, қардош Ўзбекистоннинг барча пахтакорларига, ҳамма меҳнаткашларига бизнинг оташин саломимизни топширишга ва юбилей йилида катта-катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Янги беш йилликнинг биринчи йилида Ўзбекистон пахтакорлари эришган муваффақиятлар бизни қувонтирмоқда.

Озарбайжон пахтакорлари ўзбек дўстларининг мўл пахта ҳосили етиштириш соҳасидаги тажрибасини ҳамиша ўрганиб келмоқдалар. Икки республика ўртасида кўп йиллардан бери давом этиб келаётган традицион мусобақа бизга ёрдам бермоқда.

Ўтган йили республикамиз қишлоқ хўжалигининг меҳнатчилари КПСС XXIII съезди, партия Марказий Комитети март ва май Пленумлари қарорларини амалга ошираборид, деҳқончиликда ва айниқса пахтачиликда муайян муваффақиятларга эришдилар.

Ўтган йили республика 336 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотди ва шу тарика белгиланган планни ошириб бажарди. Ўтган йили маҳсулдор чорвачилик ҳамма турларининг туёғи ҳам кўпайди. Гўшт, сут, жун, тухум етиштириш ортди. Дон, чорва, сут, тухум, жун, чой барги сотиш плани ошириб адо этилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайганлиги туфайли колхоз ва совхозларнинг молиявий кўрсаткичлари ҳам яхшиланди. Колхозларнинг пул даромадлари кўпайди. Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти асосий турларининг таннархи пасайди, фойда олувчи совхозлар кўпайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий базасини янада мустаҳкамлаш давом эттирилди. Республика қишлоқ хўжалиги ўтган йили кўп миқдорда трактор, комбайн, пахта териш машинаси ва автомобиллар, шунингдек қишлоқ хўжалик қуроллари ва минерал ўғитлар олди.

Қардош Ўзбекистон пахтакорлари сингари Озарбайжон қишлоқ хўжалигининг меҳнатчилари ҳам бутун совет халқи қатори Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини юксак кўрсаткичлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Республикаларимиз халқлари умумхалқ традицион социалистик мусобақаси байроғи остида 1967 юбилей йилида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган планларни бажарадилар. (Қарсаклар).

Суратда: қардош Озарбайжон қишлоқ хўжалик ходимларининг вакиллари Ўзбекистон пахтакорлари орасида.

В. Кожевников ва Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Юксалиш рақамлари

◆ Пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлашнинг асосий гарови бўлган алмашлаб экишни жорий этишга, бинобарин белапоялар майдонини кенгайтиришга алоҳида эътибор берилади. Республика колхоз ва совхозларидаги белапоялар майдони шу йил баҳорнинг ўзидаёқ 357 минг гектарга етказилади.

◆ **Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосилини кўпайтиришда ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини ошириш билан бир қаторда, пахта ҳамда бошқа экинлар майдонини кенгайтириш, суғориладиган ерларнинг мелиорация ҳолатини яхшилаш ҳам катта роль ўйнайди. Шу мақсадда 45 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилади. 60 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, шунча майдондаги суғориладиган ерлар батамом қайтадан текисланади. 52 минг гектар майдонда зовур қазилади. 650 минг гектар янги яйловларга сув чиқарилади. Бир қатор йирик сув омборлари ва ҳозирги замон сув хўжалиги иншоотлари қурилади.**

◆ **1967 йилда республика колхоз ва совхозларида 666 минг тонна сабзавот, 210 минг тонна картошка, 376,5 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти етиштирилади ва 1966 йилдагига нисбатан етиштириладиган сабзавотнинг миқдори 2 баравар, картошка — 3,3 баравар ва полиз экинлари маҳсулоти — 2,5 баравар кўпайтирилади.**

◆ **Юбилей йилида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган чорвачиликни янада ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилади. Чорва моллари боқиш ва асраши яхшилаш асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш соҳасида янги марраларни эгаллаш назарда тутилади. Чорвадорларимиз бу йил ҳар 100 совлиқдан 110 қўзи, ҳар 100 сигирдан 85 бузоқ, ҳар 100 урғочи чўчқадан 2200 чўчқа боласи, ҳар бир сигирдан 1100 килограмм сут, ҳар бир товуқдан 100 дона тухум олиш ва давлатга 150 минг тонна гўшт, 320 минг тонна сут, 20,6 минг тонна жун, 170 миллион дона тухум сотишга қарор қилдилар.**

◆ Пиллачиларимиз, лубкорларимиз, соҳибкорларимиз ва тамакикорларимизнинг юбилей йилидаги марралари юксак. Улар давлатга 266 минг тонна каноп пояси, 16900 тонна пилла, 200 минг тонна мева ва узум, 8000 тонна тамаки барги сотиш мажбуриятини олишди.

РЕКОРД ҲОСИЛ ЕТИШТИРАМИЗ

Колхозимиз аъзолари янги беш йилликнинг дастлабки йилида пахтадан мўл ҳосил етиштириб, катта ютуқни қўлга киритдилар. 805 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43 центнердан ҳосил олинди. Давлат омборларига пландаги 2470 тонна ўрнига 3460 тоннадан ошиқроқ пахта топширилиб, пахта тайёрлаш йиллик плани 139 процент адо этилди.

Колхознинг бу катта ютуғида мен раҳбарлик қилаётган бригада аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бригадамиз ўтган йили қишлоқ хўжалиги учун нихоятда оғир келган шароитда ҳам пахтадан рекорд ҳосил етиштириб, колхознинг «оқ олтин» хирмонига барака киритди. Чунончи, 95 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан олинган ҳосил ўрта ҳисобда 62 центнерданга тўғри келди. Бу колхознинг ўртача кўрсаткичидан 19 центнер юқоридир.

Хоразм области шароитида ерларнинг шўрини ювиш жуда катта аҳамиятга эга. Бригадамиз ерларини ҳар йили яхши ювмасдан туриб, юқори ҳосил олиш у ёқда турсин, ҳатто колхоз бўйича етиштирилган ўртача ҳосилни ҳам олиб бўлмайди. Бунинг устига бригадамиз ерлари турли даражада шўрланган. Шунга кўра баъзи ерларни 2-3 марта ювсак, айримларини ҳатто 5 мартагача ювишга тўғри келади.

Тупроқ шўрини ювиш маҳалида бир нарсага алоҳида аҳамият берамиз. Чунончи, дастлабки ювишда сувни ернинг шўрланиш даражасига қараб, турли муддатда ва ҳар хил нормада берилса, охирги ювишда марзаларнинг сув тегмаган устки қисми текисланади, кейин ҳамма картага бир пайтда сув таралади. Бундай тартибда шўр ювиш билан участкаларнинг ҳамма ерида тупроқнинг бир текисда ювилишига ҳамда ерларни ҳайдов тракторлари учун бир вақтда етилтиришга эришмоқдамиз.

1966 йилги ютуқларимизнинг боиси яна шунда бўлдики, биз бригадада олдинги йилларгидагидек ишларни яхши ташкил этиб, кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказдик. Барча майдонларга чигитни агротехника муддатларида экиб, уни бир текис ундириб олдик.

Ғўза майсалари қўзга ташланиши билан биринчи культивация билан дастлабки озиқлантиришни ўтказдик. Бу эса ўсимликнинг яхши авж олиб ўсишини таъминлади.

Навбатдаги ишимиз ҳар гектар майдондаги кўчатни тўла сақлаб қолишдан иборат бўлди. Ғўзалар талабига қараб озиқлантирилди, қатор ораларини ишлаш суғориш билан чамбарчас боғлаб олиб борилди. Ўтган йилги шароитда биринчи сув ғўза 6-7 та барг чиқаргандa берилди. Биринчи асосий суғоришда ўсимлик қониб сув ичсин учун суғориш 3-4 кун оралатиб яна такрорланди. Натижада ғўза қатор ораларини қатқалоқ босмади, ўсимлик чанқамади.

Шундай қилиб, парвариш ишларини ўз вақтида амалга ошириш ва уларни бир-бирига боғлаб олиб бориш билан ҳар гектар майдонда ғўза туплари тўла сақлаб қолинди. Натижада ҳар бир туп ғўзада 18-20 тагача кўсак етилди. Бахтга қарши кузга бориб, кўсакларнинг асосий қисми тўла етилиб очилмасдан оқ ҳавонинг ҳарорати пасайди. Биз бу аҳволдан саросимага тушмадик. Ҳом пахтанинг терилишига ҳам йўл қўймадик. Энг муҳими кўсакларнинг асосий қисми тўла очилмаган бўлса ҳамки, анча етилиб қолган эди. Биз ҳосили машинада ёки қўлда терилишидан қатъи назар барча майдонларда дефолиацияни ёппасига ўтказдик. Орадан сал ўтмай ғўза барглари тўкилди. Шунда ғўза қатор ораларида ҳавонинг юриши яхшиланиб, ўсимлик ёруғлик ва иссиқлик яхши тегди. Бу эса кўсакларнинг очилишини тезлаштирди, териш ишлари жадаллашди. Дефолиация қилинган майдонларда меҳнат унумдорлиги кескин ошди. Бундан ташқари, терим муддати сезиларли даражада қисқарди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми совуқ тушгунга қадар йиғиштириб олинди.

Бу йилги ишнинг борши ҳам чакки эмас. Аҳдимиз ҳар йилгидан катта. Юбилей йилида ҳар бир гектар майдондан 70 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштириш мажбуриятини олганмиз. Ҳа, мақсадинг катта бўлса, ишинг ҳам ўнгидан келаверади.

Тўра РАҲИМОВ,
Янгариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ЭРОНЛИК СПОРТЧИЛАР ПОЙТАХТИМИЗДА

Республикамиз пойтахтида ўтган куни эронлик гимнастика усталари билан Ўзбекистон гимнастикачиларининг ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди.

Меҳмонлар командаси составида Эроннинг мутлақ чемпиони Жамила Сурури, Теҳрон чемпиони Фаромарс Шафин, мамлакатнинг мутлақ чемпиони Абдулла Расули ва Токиода бўлиб ўтган Олимпия ўйинлари қатнашчиси Жалол Бозорган, Акбар Номгари, Ҳамид Беҳайн ва бошқалар майдонга тушадилар.

Хотин-қизлар командаси эркин ҳаракатлар, брусь, таянчли сакраш ва харида тўрт кураш бўйича беллашдилар. Хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон вакили — мастерликка кандидат Наталья Данилова барча снарядларда 36,1 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Эрон хотин-қиз гимнастикачилари орасида эса командининг энг ёш аъзоси Жамила Сурури 33,55 очко тўплаб биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Аёллар мусобақасида Ўзбекистон командаси 104,6 очко, эронлик хотин-қиз гимнастикачилар эса 95,45 очкога эга бўлишди.

Эрнаклар ўртасида олти снарядда мусобақалар ўтказилди. Бу мусобақаларда ҳам республикамиз спортчилари биринчи ўринни эгалладилар.

Умумкоманда бўйича ҳам республикамиз гимнастлари 431,4 очкони қўлга киритиб пешқадам бўлдилар.

Эрон спортчилари Туркманистон гимнастикачилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказиш мақсадида Ашхободга жўнаб кетишди.

Тошкент сейсмик станцияси хабар беради

Тошкент сейсмик станцияси кеча соат 15 дан 52 минут 41 секунд ўтганда Тошкентда 2-3 балл даражасида ер қимирлаганини қайд қилди. Ер қимирлаш маркази Тошкентнинг Шимоли-шарқ томонида, 140 километр узоқда бўлган. Эпицентрда ер 6-7 балл куч билан қимирлаган.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Ким ҳинд музика санъатининг шайдоси бўлмаган! Унинг жозиба тўла серназокат рақслари, дилижон қўшиқлари кимнинг дилини қитиқламаган дейсиз.

Бугун уч кундирки, Свердлов номли концерт зали файзиёб.

Совет Иттифоқи бўйлаб гастролда юрган ҳинд санъаткорлари ўзларининг дилрабо ва сермазмун концерт программалари билан Тошкент меҳнаткашларини хушнуд этмоқдалар. Пойтахт санъат шинавандалари ҳинд рақсларидан олам-олам ҳузур ва завқ олишмоқда.

— Биз тошкентликларга юртимизнинг иқлимидек иссиқ салом олиб келдик, — дейди ансамблнинг раҳбари, машҳур раққоса Индрани. Тошкент тинчлик шаҳри. Ўтган йили бу ерда имзоланган Ҳиндистон ва Покистон декларацияси бизнинг ҳиндларнинг тарихида муқаддас из қолдиражак.

Ансамблнинг фахри бўлган Индрани ижро этган рақслар томошабинларда айниқса катта таассурот қолдирмоқда. Ўзининг ҳаётий мафтункорлиги, воқелиги билан классик ҳинд рақсларининг бенуқсон намунаси бўлган ҳар бир рақс, Индрани талқинида гўзал мазмун ва латофат касб этади. Кўнгилларни элитади. Қалбларга алоҳида ором бағишлайди.

Д. ҲАСАНОВ.

Суратда: моҳир ва машҳур раққоса Индрани рақс этмоқда. Жўшқин ансамбль унга жўр бўлмоқда.

И. Глауберзон фотолари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек операларидан парчалар, 9.30 — Тажвид тароналари, 10.10 — Концерт, 11.10 — «Ўзбек адабий тилининг ривожланиши» (суҳбат), 11.25 — Экран қўйлари, 12.15 — Спорт, 12.30 — Қўшиқ ва рақслар, 13.30 — Дўстларимиз эстрадаси, 16.10 — Қардош республикалар музика маданияти. «Дўмбира ошиғи», 16.25 — Туркманистон, Қирғизистон ва Озарбайжон композиторларининг романслари, 18.10 — П. И. Чайковский «Итальянча каприччо», 18.30 — Концерт (сайловчилар учун), 19.20 — Социалистик мамлакатлар қўйлари, 20.00 — Арманистон радиоси эшиттириши, 20.10 — «Ўтмишнинг машҳур артистлари», 20.45 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети, 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё воқеалари, 22.10 — Навоий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар, 22.40 — «Самарқанд садоларн» (шаҳарнинг 2500 йиллиги олдидан), 23.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ишчиларининг талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **Яак ва Робот** (болалар учун мультфильм), 18.25 — **Юлдузча** (тележурнал), 19.00 — **Индустрия озуқаси**, 19.20 — **Концерт** (Туркистон ҳарбий округи штаби духовой оркестри).

20.00 — **Эртаги кун программаси ва эълонлар.**

Ўзбек тилида: 20.15 — **Телевизион янгиликлар**, 20.30 — **Агитпункт чиқиқлари порлайди**, 20.45 — **Ёдгорликлар**, 21.10 — **Ота-оналар университети**, 21.50 — **Санъат усталари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Панжоб куйлари** (Тошкент шаҳар 24-мактаб бадиий ҳаваскорларининг концерти).

18.30 — **Чизма геометрия** (сиртдан таълим олаётган студентлар учун рус тилида ўқув программа).

19.30 — **Телевизион янгиликлар**, 19.40 — **Очилган қўриқ** (бадиий фильм).

21.20 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 3/III да **Боғчасарой фонтани**, 4/III да **Ҳамза.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/III да **Улимдан кучли**, 4/III да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 3/III да **Катта концерт**, 4/III да **Қалам қошлигим.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 3, 4/III да **Ҳиндистон артистларининг концерти.**

КИНО

Етти оғайни фарзандлари — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «СПУТНИК», «ФЕСТИВАЛЬ» (кундуз ва кечқурун).

Лайлак келди — ёз бўлди — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11 ва кундуз 12 да).

Бедорлинда ўтган тунлар — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Эльбадаги учрашув — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант вазифаларда ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

старший ўқитувчилар: **фалсафа** (ўзбек тилида), **физкультура тарихи ва ташкил этиш, гигиена, енгил атлетика;**

старший илмий ходимлар: **масалалар лабораторияси** (3 ўрин), **физиология, анатомия, немис тили, гимнастика, енгил атлетика, баскетбол, волейбол** (2), **футбол** (2), **сузиш;**

младший илмий ходимлар: **масалалар лабораторияси** (3).

Конкурс муддати эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Виставочная кўча.

УЗМИНАВТОШОСДОРНИНГ САМАРҚАНДДАГИ 2509-автоколоннаси

ёғоч, пўлат билан қопланган **автомобиль контейнерларини**

ТАРҚАТАДИ

Размерлари: 196x163x105 см. ички қисми 2,5 куб. метр.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳар. Титов кўчаси, 243-уй, телефонлар 3-10-06, 3-08-06.

ТОШКЕНТ «УЗОПТБАКАЛЕЯ» УЛГУРЖИ САВДО БАЗАСИ

хўжалик ташкилотларига, фабрика, завод ва **бошқа корхоналарга** 50 килограммлик юк сиғадиган қопларни қуйидаги нархлар билан

IV категория—**31 тийин**,
V категория—**19 тийиндан**

СОТАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 1-переулок, 152-(«Ҳамза» темир йўл станцияси қошида). Телефонлар: В-3-06-20, В-3-56-02.

ИШГА ТАКЛИФ:

КАБЕЛЬ ВА РАДИОТАРМОҚ МАГИСТРАЛЛАРИ ТЕХНИКА ЭКСПЛУАТАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

секретарь-машинистка, старший бухгалтер, омбор мудири, токарлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 15-уйга мурожаат қилинсин. (5,7,12-автобусларнинг «Тепловоз депоси» тўхташ жойи), телефонлар В-3-32-75, В-63-64.

Махсуслаштирилган «Узсантехгазмонтаж» трестининг

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ «ЭРКИН» ПОСЁЛКАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛОННАСИГА

сантехника бўйича **мастер, участка бошлиғи, прораб, мастер**, лавозимида ишлаш учун **инженер** ва **техниклар, газ** ва **электр пайвандчилар**

КЕРАК

Тошкент шаҳар-100, Педагогическая кўчаси, 75-уй кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 5-10-65.

«УЗСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ

Тошкент область монтаж бошқармасига

Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарларида ишлаш учун **слесарь-техниклар, газ** ва **электр пайвандчилар**

КЕРАК

Ёлғиз кишилар ётоқхона, оилалилар 1967 йилнинг 1 кварталида квартиралар билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Педагогическая кўча, 75-уй.

1-«ТАШТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ

5-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

Саноат ҳисоботи бош бухгалтери, қурилиш бошқармаси бош бухгалтер ўринбосари, старший бухгалтер, сантехника ва **йўл ишлари инженер-техниклари, слесарь-техниклар, йўл ишчилари, газ** ва **электр пайвандчилар, шоферлар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Федоров кўчаси, 5-уй, телефон В-3-57-71, кадрлар бўлими, (2-трамвай, 9,19,20, 21-автобусларнинг «Урицкий» тўхташ жойи).

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

МИТТИ МАМЛАКАТЛАР

Ҳурматли редакция! Биз кейинги йилларда турли қитъаларда содир бўлаётган ўзгаришларни зўр қизиқиш билан кузатиб борамиз. Маълумки, дунёда кўпгина митти мамлакатлар ҳам бор. Газетада ана шу мамлакатлар ҳақида ҳикоя қилувчи бирор мақола эълон қилинса яхши бўлур эди.

Х. ҲАМРОҚУЛОВ,
С. САРИБОЕВ,
Н. ҲАЙИТҚУЛОВ,

Сирдарё область, Сирдарё районидаги Ҳамза номли колхоз аъзолари.

Ер шарида 200 дан ортиқ давлат ва мамлакат бор. Шулардан 131 таси мустақил давлатлар ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги қадимдан ташкил этилган йирик давлатлардир. Лекин ана шундай қадимий давлатлар орасида жуда кичик, митти мамлакатлар ҳам бор.

Улардан бири **Лихтенштейн**дир. Бу мамлакатнинг давлат тузуми конституцияли монархия, яъни князлик бўлиб, майдони атиги 157 квадрат километрдан иборат. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 18425 киши яшайди. Мамлакат пойтахти Вадуц шаҳрида 3 минг киши бор. Князлик Марказий Европада, Австрия билан Швейцария оралиғида жойлашган. Мамлакат Монакодан ташқари Монте-Карло, Ла-Кондамин каби катта шаҳарлар бор. Монако курортларига ҳар йили 600 мингдан кўпроқ киши келиб кетади. Уларнинг кўпчилиги чет мамлакатлардан келган дам олувчилардир. Монако шаҳри кенглиги 350 метр, узунлиги 700 метр территорияда жойлашган. Шаҳарда XIII—XIV асрларда қурилган князь саройлари, машҳур океанография музейи бор.

Монако давлатининг асосий саноат корхоналари Ла-Кондамин шаҳрида жойлашган. Бу ерда пиво заводи, тегирмон, кондитер фабрикаси, тўқимачилик фабрикалари, ёдгорлик буюмлар тайёрлайдиган кичик кичик корхоналар бор.

Мазкур мақолада барча митти мамлакатлар тўғрисида батафсил ёзиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам уларнинг номларини, марказий шаҳарлари, умумий майдони ва аҳоли сонига таллуқли фактларнигина келтириб ўтамиз:

Сан-Марино Республикаси. Умумий майдони 61 квадрат километр, аҳолиси 17 минг киши, мамлакат пойтахти Сан-Марино шаҳрида 3,4 минг киши яшайди. У 301 йилда қурилган.

Андорра Республикаси. Умумий майдони 453 квадрат километр, аҳолиси 13 минг киши, пойтахти Андоррада 2250 киши яшайди. Андорра Республикаси Франция билан Испания чегарасида жойлашган. Бу давлат 789 йилда ташкил топган.

Ватикан. Рим шаҳрининг ғарбий томонида жойлашган бўлиб, Рим папасининг резиденциясидир. Умумий майдони 44 гектар, аҳолиси 1000 кишидан сал ошади. 100 полициячи бор. Ватикан 400 минг католик руҳонийларига ва 1 миллиондан ортиқ монахларга, 40 дан кўпроқ ҳалқаро католик ташкилотларга раҳбарлик қилади. Давлат девор билан ўралган. 49 мамлакат билан дипломатик алоқа ўрнатган. Ватикан жуда катта иқтисодий манбаларга эга. Италиянинг ўзида Ватиканга қарашли 464 минг гектар ер бор. Ватиканнинг олтин фонди 12 миллиард долларни ташкил этади.

Мальта давлати. Умумий майдони 316 квадрат километр, аҳолиси 325 минг киши, пойтахти Ла-Валетта шаҳрининг умумий майдони 50 гектар, унда 19 минг киши яшайди. Мальта Англиянинг ва НАТОнинг ҳарбий денгиз кучлари базасидир. Бу ерда НАТОнинг ўрта денгиздаги қуролли кучлари штаби жойлашган. Ла-Валеттада тўқимачилик, гугурт, тамаки, озиқ-овқат, кемасозлик саноати тараққий этган. Шаҳарда битта олий мактаб бор.

Сингапур. Умумий майдони 581 квадрат километр, аҳолиси 1 миллион 850 минг киши. Уларнинг кўпчилиги сингапурликлардир. Бу ерда малайликлар, ҳиндлар, покистонликлар, европаликлар бор. Сингапур портига ҳар йили 40 минг кема келиб туради. Республика қалай ва каучук билан савдо қилиш жиҳатидан дунёда деярли биринчи ўринда туради.

Булардан ташқари умумий майдони 281 квадрат километр, аҳолиси 40 минг киши, пойтахти Сент-Джонс шаҳрида бўлган **Антигуа давлати**, умумий майдони 2,9 минг квадрат километр, аҳолиси 122 минг киши, пойтахти Апиа шаҳрида бўлган **Ғарбий Самоа давлати**, умумий майдони 5,1 минг квадрат километр, аҳолиси 949 минг киши, пойтахти Порт-оф-Спейн шаҳрида бўлган **Тринидад-Тобаго давлати**, майдони 0,4 минг квадрат километр, аҳолиси 243 минг киши, пойтахти Бриджтаун шаҳрида бўлган **Барбадос давлати**, майдони 0,3 минг квадрат километр, аҳолиси 94 минг киши, пойтахти Мале шаҳрида бўлган **Мальдив давлати**, умумий майдони 2,6 минг квадрат километр, аҳолиси 329 минг киши бўлган **Люксембург давлати** каби кўпгина митти мамлакатлар бор.

А. ОМИЛОВ,

Тошкент Давлат педагогика институти иқтисодий география кафедрасининг старший ўқитувчиси.

Хитойдаги воқеалар

Хитойдаги марказий ва вилоят матбуоти ёзган хабарлар армия мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёти устидан ўз назоратини кучайтиришни давом эттираётганлигини кўрсатиб турибди. Кўпгина жойларда цзаофанлар ўз мухолифларини енга олмаётирлар ва армия қисмларининг мададига таянишга ҳаракат қилмоқдалар.

Газеталар Шаньдун вилоятида «революцион комитет», «ҳокимиятни босиб олганлиги» ҳақида хабар қилдилар. Бу комитет цзаофанларнинг вакилларидан, Мао Цзэ-дун йўлини қўллабқувватлаётган ҳарбийлардан ва кадр ходимлардан иборат.

Киодо Цу Син агентлиги Пекиндаги мухбирининг хабар беришича, «Хитой Коммунистик партиясининг Мао-Цзэ-дунчи раҳбарлиги ҳокимиятни босиб олиш учун бошланган бу йилги кампаниянинг апрель ойининг охиригача тамомлашга уринмоқда».

Шу билан бирга, кейинги вақтларда Пекинда «раис Маони ҳимоя қилишга, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетини ҳимоя қилишга, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги маданий революция ишлари билан шуғулланувчи группани ҳимоя қилишга» даъват этувчи варақалар яна пайдо бўлди.

Хунвэйбиларнинг «Тунсянь Фэнбао» газетасининг ёзишича Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош министри Чжоу Энь-Лай Синьцзянда «маданий революция»нинг ривожланишни тўхтатиб қўйиш тўғрисида кўрсатма берган.

(ТАСС).

КОЛУМБИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БОГОТА. (ТАСС). Колумбия Компартияси Марказий Комитети пленумида халқаро коммунистик ҳаракат бирдамлиги тўғрисида қабул қилинган баёнотда: Хитойдаги маданий революция деб аталмиш ҳаракат «Хитой революцияси эришган буюк ютуқларга, Хитой халқининг маданий анъаналари ва жаҳон маданий меросига нисбатан бемаънилик даражасига етказилган қонли тажовузидир», — дейилади.

Мазкур ҳужжатда Хитой раҳбарларининг бузғунчилик фаолияти билан Хитойга ўтказилаётган Советларга қарши кампания қатъий қораланади.

Пленум коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1960 йил Москва кенгашида қабул қилган баёнотидаги қоидаларни Колумбия коммунистлари тўла қўллаб-қувватлаётганликларини билдирди.

Пленум қардош Компартияларнинг халқаро коммунистик ҳаракат бирдамлиги учун, коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг янги кенгашини ўтказиш учун курашини қўллаб-қўлтиқлаганлигини билдирди.

Пленум қатнашчиларя махсус қабул қилган резолюцияларида Куба ва Вьетнам халқлари билан бирдам эканликларини изҳор этдилар.

Африка бирдамлиги ташкилоти министрлар кенгашининг сессиясида

АДДИС — АБЕБА, (ТАСС). Африка бирдамлиги ташкилоти Министрлар кенгашининг саккизинчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. Делегацияларнинг бошлиқлари ташкилотнинг 1967—1968 йил бюджетини муҳокама қилиш учун Африка давлатлари уйининг мажлислар залига тўпландилар. Айни вақтда сессиянинг комиссиялари ва комитетлари ҳам ишни давом эттирмоқда. Сиёсий комитет Жанубий Родезиядаги аҳвол юзасидан тузилган бешлар комитетининг докладини муҳокама қила бошлади.

Сиёсий кузатувчилар сессиянинг боришини анализ қилар эканлар, унинг осойишталик ва ишчанлик вазиятида ўтаётганлигини қайд этяптилар.

Доминикана реакциясининг ҳужуми

НЬЮ-ЙОРК, 1 март. (ТАСС). Доминиканда Республикасининг президенти Хоакин Балагер Доминиканда Коммунистик партияси аъзолари ва бошқа прогрессив арбобларнинг мамлакат чегарасидан чиқиб кетишларини тақиқлаш ҳақида қарор қабул қилди. Юнайтед пресс интернейшнл агентлиги мухбирининг Санто-Доминго-дан хабар беришича, президентнинг республика Миллий конгрессида берган баёнотида шу ҳақда айтилади. Айни бир вақтда Доминиканда ҳукуматининг бошлиғи социалистик мамлакатларга бориб келган доминиканликларни паспортларидан маҳрум этилади деб даъвога қилган.

ПНОМПЕНЬ (Камбоджа). Мамлакат пойтахтининг қиёфаси йил сайин ўзгармоқда. Бу ерда европача стилда қурилган бинолар, завод ва фабрикалар тобора кўпаймоқда. Суратда: Камбоджа пойтахтининг марказий магистралларидан бири Монивонг кўчасида.

В. Харьков фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ҚИЙИНЧИЛИК БИЛАН ЭРИШИЛГАН БАХТ

Газетада босилган қисқагина хабарда шундай деб ёзилган эди: «Фотима деган қизга отасининкидан қочишга ёрдам берган ва уни ўз опасининг уйига яшириб қўйган 20 яшар Абдулла Нодирийни полиция қамоққа олди: нейинчалик Абдулла шу қизга уйланиши учун озодликка чиқарилди».

Ота-оналар ўз қизларининг қайси бир йигитга турмушга чиқиши ёки ўз ўғилларининг кимга уйланишини ҳал қиладиган Эрон шароитида ҳозирча одатдаги воқеа юз берди. Абдулла маҳаллий нотариусни унинг уйига бориб никоҳ маросимини ўтказиш тўғрисида илтимос қилгандан кейин (у қизнинг отасининг ризолигисиз ўзига никоҳ қилдирмоқчи бўлган эди) қамоққа олинди. Севишганларнинг сирини полициягга нотариус айтиб берган эди.

Фотима отасига агар уни ўз севгилисига турмушга чиқишига розилик бермаса ўзимни ўзим ўлдираман деган. Қизнинг отаси розилик берди ва Абдулла турмага бориш ўрнига ўз севгилиси билан нотариусга кетди.

Шундай қилиб, муҳаббат бугал ғалаба қозонди. Эрон ёшлари онла қуришнинг асрлар бўйи ҳукм суриб келган нормалари ўзгартирилишини талаб қилмоқдалар. Кейинги йилларда мамлакатда юз берган айрим социал ўзгаришларга қарамай шариат қоидалари, қуръонга асосланган турмуш қуриш қонунлари ҳали ҳам ўз кучини йўқотмаяпти. Эрон матбуотининг маълумотларига қараганда, Эронда ҳар ўн никоҳдан тўққизтаси ота-оналарнинг моддий манфаатлари негизига асослангандир. «Теҳрон журнэл» газетаси ёзганидек, «бундай никоҳлар ёшларнинг ҳуқуқларини таҳқирлашдир» деган хулоса билан муроса қилмасдан бўлмайди. «Йигит ва қизлар, — деб ёзади газета,— ҳали тош асрида ишлаб чиқилган қонунларга амал қилиши зарурми?»

А. НЕНАШЕВ.
(«За рубежом»дан).

Гражданлар диққатига

Агар газета ва журналларга обуна бўлган вақтингиз март ойида тугаса, апрель ойидан бошлаб

Журналларга — **4 мартгача;**
Марказий газеталарга — **15 мартгача;**
Тошкентда чиқадиган газеталарга — **20 мартгача**

ОБУНА БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН

Обуна алоқа бўлимлари ва узеллари, «Союзпечать» бўлимлари ва агентликлари, иш ва ўқиш жойларидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

«Союзпечать» бошқармаси.

БАЛИҚЧИ-СПОРТСМЕНЛАР ДИҚҚАТИГА!

СССР Балиқчилар хўжалиги министрлиги **Чордара** сув омбори **сув билан тўлатилмагунча** ва қимматли балиқ турлари шароитга ўрганиб, урчимагунича балиқ овлашнинг ҳар қандай турларини

ТАҚИҚЛАЙДИ

Рухсат этилганлиги тўғрисида қўшимча эълон қилинади.

«Ўзбекрибвод» ҳовузлар бошқармаси Ўзбекистон балиқ овлаш союзи.

Бизнинг адрес — Ленинчилар СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши — В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги — В37604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38679, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 53. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64543. Р. 01625.

Редактор М. ҚОРИЕВ.